



Ma'rifat

МАБРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 16 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 97-98 (7293)

Иккинчи Чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Тўртинчи Сессияси Тўғрисида АХБОРОТ



Тошкентда 14 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиясининг ишчи органи — котибиятни сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқаро ишчилар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовга сўз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига мурожаати матнини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакўпир тумани "Тахтакўпир" ширкат хўжалигининг раиси А.Одилов, "Қизилкумодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллаева,

Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Муродилов иштирок этди.

Улар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифини қизгин қўллаб-қувватлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг меҳнатини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги мингйилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона, бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди.

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон вилояти "Андижон" нашриёти директори Х.Нугмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, "Янгийўлғмой" ҳиссадорлик жамияти директори М.Худоёров иштирок этишди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини маъқуллади.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охунов, "Муборакнефтьгаз" нефть-газ конлари бошқармаси бошлиғи Н.Зайниев, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, "Комплекс тематик экспедиция" очик турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Т.Бобожонов, Қарши тумани ҳокими С.Хайруллаев ушбу ҳужжат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар Қонунни қабул қилишди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар-

(Давоми 3-бетда)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Мана шу муборак кунларда сиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати намояндаларини, барча анжуман иштирокчиларини азим пойтахтимиз Тошкентда бошланаётган Қорақалпоғистон маданияти байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Она Ўзбекистонимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти борлиги барчамизга аён.

Қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан мардлик, муҳаббат, она Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор қўшиқ ва дostonларида улуглаб келади.

Бу халқнинг бадиий тафаккури ва юксак маънавияти «Қирққиз» каби дostonлар, шу муқаддас заминда яшаб ўтган, эл-юрт озодлиги, адолат ва маърифат учун курашни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердақ каби оташнафас шоирларнинг ижодида яққол ўз ифодасини топган.

Улуғ аждодларимиз меросидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган қорақалпоқ халқи айниқса мустақиллик йилларида ўзлигини тўла намоян эйтиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантираётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, rassom ва бастакорлари, кўплаб атоқли санъаткорлари ва ёрқин истеъдод соҳиблари бутун Ўзбекистонимизнинг гурур-ифтихорига айланган, десак, асло муболага бўлмайди.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ишончим комилки, сизлар бу байрамга нафақат бетакрор санъатингиз намуналарини, жанрандор қўшиқларни, айни вақтда бепоён далалар, кўз илғамас яйловлар нафасини, мени ўз фарзанди деб билган қорақалпоқ халқининг юрак ҳароратини ҳам ўзингиз билан бирга олиб келгансиз.

Сизларни яна бир бор қутлар эканман, эзгуликни, Ватанга муҳаббат, дўстлик, меҳр-оқибат каби юксак гоёларни тараннум этишда барчангизга битмас-туганмас куч-ғайрат, ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислон **КАРИМОВ**,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Қорақалпоғистон Республикаси маданият ходимларидан бир гуруҳи давлатимиз фахрий унвонлари, орден, медаллари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

"УСТУНЛИГИ УЧУН МУКОФОТ"

Шу йилнинг 9-17 сентябрь кунлари Тошкентдаги Юнусобод спорт саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси "Президенти кубоги" аънавий теннис турнирининг еттинчи мусобақалари жуда кўтаринки руҳда ҳамда томо-

СЎНГГИ УЧ КУН ХАБАРЛАРИ



шабинларга бой бўлганлигининг эътирофи сифатида АТП Тур ижрочи директори Марк Майез мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов номига мактуб йўллаб, АТП Турнинг "Президент кубоги" турнири иккинчи бор "Устунлиги учун мукофот"га сазовор бўлганлигини маълум қилди.

ОИЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Оилалар тинчлиги учун" федерацияси томонидан уюштирилган "Жамиятда оиланинг ижтимоий аҳамияти ва ёшлар тарбияси" муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Санокли кунлардан кейин инсоният янги мингйилликка қадам қўяди. Бугун янги аср бўсағасида туриб, беихтиёр ўзимизга ўзимиз шундай саволлар берамиз: тугаётган аср қандай кечди ва янги аср қандай бўлади? Ўтиб бораётган XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустиқликка эришган Ўзбекистон давлати учун бу саволлар шунчаки рамзий маънога эга бўлмай, балки янги янги амалий ҳаракатларга ундовчи даъват ҳамдир. Бугун биз босиб ўтган йўлимизни чуқур мушоҳада қилиб, янги асрдаги истиқболимизнинг оқилона стратегиясини белгилаб олишимиз ўта муҳимдир.

XX аср мозийга юз тутмоқда. Бу юз йиллик инсон ақл-заковати ва салоҳиятининг, илму фан, техника ва маданиятининг буюк тараққиёти баробарида аянчли воқеалар даври ҳам бўлди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, фашизм, ядро хавфи, оммавий сиёсий қатағонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари мудҳиш ҳодисалар айна XX асрда пайдо бўлди. Лекин тугаб бораётган асрнинг энг муҳим интихоси — «совуқ уруш» даври барҳам топди.

Ўзбекистон деб аталмиш Ватанимиз сингари қатор мустиқил давлатларнинг пайдо бўлиши шарофати билан бутун дунё киефаси ўзгарди.

Бундан олти юз йил муқаддам буюк соҳибқирон Амир Темур она заманимизда қудратли давлатга асос солди, унда фан, маданият юксак чўққиларга кўтарилди, миллий давлатчиликнинг янги тамойиллари қарор топди. Бу давр Ватанимиз учун туб маънодаги янги Уйғониш даври бўлди. Орадан олти юз йил ўтгач, беҳад тарихий синовларга дош берган, мустиқлаштирилган, тоталитар тузум азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқимиз XX аср хотимасида чинакам эркинликка эришди, ўз миллий ва маданий қадриятларини тиклади, мустиқил тараққиёт йўлига юз тутди. Мустиқликка эришганимиз боис мамлакатимизнинг янги тарихи бошланди.

Бугун зўр ғурур ва қониқиш билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафкураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда.

Ҳамюртларимиз мустиқил тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янги назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар амалиётида «Ўзбекистон модели» деб ном олган жамият тараққиётининг янги модели пайдо бўлди. Унда инсон тўғрисида, айниқса улғайиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг ўстувор йўналиши деб эътироф этилган. Эндиликда Ўзбекистон бутун олам учун ўз дарвозаларини очди. Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг мустиқкам ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Ҳозир Ўзбекистон олдида замонавий демократик давлатни барпо этиш ва халқаро ҳамжамиятга янада фаол уйғунлашишдек беқиёс вазифалар турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида илгари сурган мамлакатни янада ривожлантиришнинг стратегик дастурига мувофиқ биз ички ва ташқи сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги ислохотларга янги илҳом бахш этишимиз зарур бўлади. Ана шу кўламдор вазифаларни рўйбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ишончли ва мукамал ҳуқуқий асосини яратмоғи зарур бўлади.

Азиз ватандошлар!

Биз, парламент аъзолари, комил ишонч билан айтамеки, янги аср халқимиз учун катта тарихий ғалабалар асри бўлади. Шу муносабат билан сизларни жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётини ислох қилишда бундан буён ҳам фаол иштирок этишга чақирамиз. Давлатимиз мустиқиллигини янада мустиқкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистон Республикаси халқининг гуллаб-яшнаши учун қонунчилик жараёнини муттасил ривожлантириб бориш, парламентимиз — Олий Мажлис фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлиги шак-шубҳасиз. Қабул қилинган қонунларнинг амалга ошириш механизми тўла

куч билан ишлашига, Конституцияимизнинг нормалари жамият ва давлат фаолиятининг ҳақиқий асосига айланишига эришиш ўта муҳим вазифамиздир.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётини эркинлаштириш бўйича бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун энг аввало Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашимиз зарур. Ҳозирги кунда хавфсизлик масалалари яхлит бир тушунча бўлиб, барча мамлакатлар учун ҳам бирдек долзарб муаммо эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасидаги ҳаракатларимиз Марказий Осиё мамлакатларининг салоҳиятини уйғунлаштириш ва бирлаштириш, ўзаро ҳамжиҳатликни мустиқкамлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Буюк аждодларнинг ворислари, бой тарихий қадриятларга эга бўлган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ўз олдида улғу ишларни мақсад қилиб қўйишга ҳақли. Ва у беқиёс анъаналаримиз ҳамда умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда ўзининг эзгу мақсадларига етишга қодир.

Ўзбекистон — Оллоҳ назар қилган диёр.

Янги аср мамлакат учун янги ланиш ва тараққиёт даврига айланишига ишонамиз. Шу боисдан ҳам мустиқил юртимизнинг ёруғ истиқболи учун барчамиз ҳамжиҳат бўлиб курашайлик. Мақсадимиз Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва келажак авлоднинг бахт-саодатидир. Мамлакат тақдири, сизу бизнинг тақдиримиз фақат ўзимизга, ўз меҳнатимиз ва ақл-идрокимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Бугун янги мингйиллик бўсағасида туриб, Ўзбекистон аҳолисига, Марказий Осиё халқлари ва сайёрамизнинг барча аҳлига тинчлик ва ривож тилаймиз. Ишончимиз комилки, XXI аср бутун жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асри бўлиб қолади. Шу пок ниятимизнинг рўйбга чиқишида Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

**2000 йил 14 декабрда, иккинчи чақириқ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг
тўртинчи сессиясида қабул қилинган.**

XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

Янги йил, янги аср, янги мингйиллик бўсағасидамиз. Ўтаётган асримиз одамлар ҳаётида нечоғли из қолдирди? Янги йил, янги асрдан нималарни кутаямиз? Бу саволларга жавоб айтиш бугунги авлод кишиларига насиб қилганидан шукрона ҳиссини туйган ҳолда баъзи ўртоқларимизни суҳбатга тортдик. Жавоблар ҳар хил. Аммо, уларни бирлаштириб турувчи негиз — эзгуликка интилиш, бахтга эришиш истаги, яхшиликлар тилаги эканлиги аён бўлди. Бугунги кунимиз, умуман, ҳаётнинг моҳияти ҳам аслида шундан иборат эмасми?

**Малика УСМОНОВА,
Яккасарой туманидаги
319-мактаб ўқитувчиси:**

— Айни кунда мактабда ўғил-қизларга энг масъулиятли ҳисобланган «Одобнома», «Ватан туйғуси» фанларидан дарс бераёлман, «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фанидан кейинги чоракда дарс бераман. Мазкур дарсларда миллий урф-одатларни, ахлоқ ва одоб қоидаларини, ўзликни англаш зарурат эканлигини ёш авлод шуурига сингдириб бораёлман. Ўқув жараёнида Президентимиз Ислам Каримовнинг асарлари асосида яратилган «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» рисоласидан фойдаланмоқдамиз. Бу 7—9-синфлар ўқувчилари учун жуда муҳим. Улар айна шу ёшда Ватан истиқлоли моҳиятини англаб етадилар.

Янги асрда мамлакатимиз энг илғор мамлакатлар сафидан ўрин олишини ва ёшларимиз ҳозирги олаётган билимларини юрт равнақи учун сарфлашларини, юртнинг янада гуллаб-яшнашини, лўнда қилиб айтганда тараққиётимизни кўришни истаймиз.

**Фароғат МАТКАРИМОВА,
Тошкент Давлат аграр университети
2-курс талабаси:**

— Урушсиз аср — олтин асрдир. Асримиз сўнгги босқичида урушларга чек қўйиш имкониятлари, манбалари яратилди, деб ўйлайман...

Биринчи маънода, илғор мамлакатлар, олайлик, Германиядаги каби юртимизда қишлоқ хўжалигига оид кашфиётлар кўп бўлса, уларнинг муаллифлари орасида мен ҳам бўлсам. Иккинчи маънода, урушсиз аср олтин асрдир. XXI аср — маърифатли юртимиз учун олтин аср бўлсин.

**Толиб СИРОЖИДДИНОВ,
Тошкент автомобил йўллари
техникуми талабаси:**

— Ўтаётган асрдан розиман. Бундай дейишимга сабаб, ўзимнинг ҳаётимдан гапирсам, бу йил ўрта мактабни битириб Тошкентга келиб, ўз билимим билан ўқишга кирдим. Пойтахтимизни томоша қилар эканман, бу қилинаётган ишлар, қурилаётган иморатлар, яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, уларга жавобан фақат билим олиш кераклигини ҳис этдим.

Янги асрда олий ўқув юртларида ўқиб, етук мутахассисликни эгаллаб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссамни қўшишимга ишонаман. Яна бир тилагим, туғилган юртим — Чироқчи мамлакатимизнинг энг бой, машҳур туманларидан бирига айлансин.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1- бетда)

га иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳани муҳокама этишда "Бухороёғ" очик турдаги акциядорлик жамиятининг раиси М.Зайниев, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров, Марғилон шаҳри ҳокими А.Ақромов, "Ўзқишлоқ-хўжаликмашхолдинг" компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, "Ўзкимёсаноатлоийҳа" илмий-текшириш ва лойиҳалаштириш институтининг Чирчиқ филиали директори Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар ушбу Қонунни қабул қилишди.

Иккинчи ўқишда киритилган янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон судьялари ассоциацияси раиси А.Тўхташев депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифохонаси бош врачлари Р.Мухаммадиев сўзга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларида, шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Окдарё тумани Мирзо Улуғбек номли 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, "Андижоннома" ва "Андижанская правда" газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сўзга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда кўрилатган "Қонун лойиҳаларининг умум-халқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича "Хуррият" газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмухамедов, "Новатор" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари кўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, республика Маънавият ва

маърифат кенгашининг масъул котиби — "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари А.Болиев сўзга чиқди. Олий Мажлис Қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Тошкентда 15 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Тўртинчи сессияси давом этди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов иккинчи ўқишда киритилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши давлат университетининг ректори Н.Ҳақимов, Хатирчи туманидаги А.Иқромов номли агрофирма раиси Э.Қаҳҳоров, Косонсой тумани ҳокими У.Маматов, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев иштирок этди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари барчамиз терроризмнинг мамлакатимиз хавфсизлиги учун нечоғлик катта таҳдид эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади. Терроризм кўпгина давлатларда жиддий хавфга айланиб, халқаро миқёсдаги муаммо бўлиб бормоқда. Бу ёвузликка қарши самарали кураш олиб бориш учун курашнинг янги, ноанъанавий шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Президент ушбу жиддий хавфга етарлича баҳо берилмаслиги, унга юзаки ёндашиш жиддий сиёсий хато эканлигини қайд этди. Энг муҳими, қонунларимизда терроризм нафақат бизнинг давлатимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиддий муаммо эканлиги ўз ифодасини топиши лозим. Биз миллий қонунчилигимизда, энг аввало «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда бу муҳим муаммони ҳал этиш билан боғлиқ барча масалаларни тўлиқ акс эттиришимиз зарур.

Парламент қонунни тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари К.Йўлдошев, Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, «Намангангаз» бошқармаси бошлиги З.Тожибоев, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Б.Аскарлов сўзга чиқди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик «Махсус юклар ва ҳарбий таркиблар транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Сирдарё тумани ҳокими И.Эрбеков, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О.Раматов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси раиси И.Қаландаров «Давлат қадстрлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш институтининг Фарғона филиали илмий ходими М.Раҳматов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларни «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур ҳужжат тўғрисидаги мулоҳазаларини «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, «Ўзбек-инвест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров билдирди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан тасдиқланди.

Депутатлар Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари кўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишди.

Олий Мажлис бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади, баъзи кўмиталар таркибига ўзгартиришлар киритди.

Депутатлар котибият раҳбари А.Саъдуллаевнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тингладди.

Олий Мажлис ваколат муддати тугагани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлади. Суд раиси этиб қайтадан Б.Эшонов сайланди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартиришлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Тўртинчи сессияси якунланди.

Мамлакатимизда изчиллик билан ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларнинг устувор йўналишлари - энг аввало - юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, қаердаки дўстлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамфирқлик ва ҳамкорлик устун бўлса, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик ҳукм суради, фаровон турмуш, интилиш, изланиш, янгиланиш бўлади, барча соҳалар бирдек тараққий топади.

Бугунги кунда серкўёш ўлкамизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир жону бир тан бўлиб яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўзига хос миллий қадриятлари, маънавияти, санъати ва маданиятини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Бунга ўзбеклар билан асрлар оша бир дарёдан сув ичиб, қуда-анда бўлиб яшаб келаётган дўст-иноқ халқлардан бири - қорақалпоқларнинг иқтисодий, ижтимоий

лаҳатчиси А.Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг Фармонида мувофиқ, узоқ йиллик самарали ижодий меҳнати билан мамлакатимизда маданият ва санъатни юксалтиришга, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қорқалпоғистонлик ижодкорлардан бир гуруҳи давлатимизнинг ордени, медали ва фахрий унвонлари билан мукофотланганлигини маълум қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Қамолов сўзга чиқиб, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида қорақалпоқ маданияти кунларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш, қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб этишга хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз

ОРОЛБЎЙИ ХАЛҚИ МАДАНИЯТИ БАЙРАМИ

ва маданий ҳаётда эришяётган муваффақиятлари яққол далил бўла олади.

15 декабрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Давлат академик катта театрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимида бу мамнуният билан таъкидланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қорақалпоқ халқи қадим-қадимдан дўстлик, мардлик, муҳаббат, она-Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни эъзозлаб, ўзининг бетакрор кўшиқ ва дostonларида улуглаб келди. У, айниқса, ватанимиз мустақиллиги йилларида ўзлигини тўла намоён этиб, серқирра маданиятини ҳар томонлама ривожлантирмоқда.

Ҳозир мамлакатимизнинг кўпмиллатли оиласида, унинг иқтисодий ва маданий тараққиётида Оролбўйи ўлкасининг ўзига хос ўрни ва салоҳияти бор. Мана шундай гўзал санъат ва маданиятнинг яратган, уни асраб-авайлаб келаётган қорақалпоқ шоир ва адиблари, рассом ва бастакорлари, бошқа кўплаб атоқли санъаткорлари, ёрқин истеъдод соҳиблари бугун бутун Ўзбекистонимизнинг гурур-ифтихорига айланган.

Тантанали кечани Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат мас-

раҳбарига анжуман қатнашчиларига самимий табрик йўллаб, қорақалпоқ халқининг ижодкорлик ва бунёдкорлик салоҳиятига юқори баҳо берганлиги ва Оролбўйи ўлкаси ижодкорларидан бир гуруҳини Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаганлиги учун миннатдорлик изҳор этди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» А.Орипов ҳамда Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов дўст ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий қардошлиқ алоқаларини янада мустаҳкамлашда шоир адибларнинг ижоди катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этди, тинчлик, биродарлик ва оға-иниликни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиёв ҳамда Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вилоятлар ҳокимлари иштирок этди.

Шу йилнинг 18 декабрига давом этадиган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган тантанали маросим қорақалпоғистонлик санъат усталари ва ижодкор ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

Ўқтам Дўстёр,
ЎЗА муҳбири

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз сўзлаган нутқда таъкидланганидек, ҳар бир фуқаро “қундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва сунъичи деб қарайди”.

Ҳақиқатдан ҳам, Конституцияимизнинг ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Ўтган саккиз йил давомида Асосий Қонунимиз давлат суверенитетининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаган, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, юқори демократик тамойилларга тўла жавоб берувчи халқчил қомус эканини тўла исботлади. “Бу ҳақиқат шундан иборатки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизига Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир”, — деди Президентимиз.

Шу боис фуқароларимиз Конституция ва қонулар самарадорлиги қандай, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари нимада, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг қандай йўллари бор, деган ва бошқа саволларга жавоб бериш зарур. Бунинг учун ҳуқуқ социологиясини ривожлантириш керак. Негаки, Конституция тўғрисидаги ижтимоий фикрни ўрганмасдан туриб, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисидаги давлат Миллий дастурини амалга ошириш, ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишлари йўналишларини белгилаб олиш қийин бўлади.

Президентимиз ўз нутқларида бу масаланинг амалий жиҳатида эътиборни қаратдилар: “Минг афсуски, бу сир эмас, кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчилаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар

Конституцияимизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин”.

Ҳуқуқий тарбия — бу умумий шахс тарбиясининг узвий, ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳуқуқий тарбияни ахлоқий, маънавий, сиёсий, диний, меҳнат тарбиясидан алоҳида олиб бориб бўлмайди. Айни вақтда, ҳуқуқий тарбия устувор вазифалардан бўлиб, у шахс руҳияти, психологияси билан боғлиқ. Демократик-ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонун устунлиги мутлақ бўлиши зарур. Фуқароларнинг Конституция ва қонун-

ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни” алоҳида таъкидладилар.

Конституциямиз биз барпо этаётган ҳуқуқий давлат биносининг мустаҳкам пойдеворидир. Асосий қонунимиз фуқаролар ҳуқуқий билимларининг ўзагини ташкил этади. Конституцияни ҳуқуқий фанлар алифбоси деб таърифлаш ҳам мумкин. Ҳуқуқ ва амалдаги қонунчиликни ўрганишни Конституциядан бошлаш зарур.

Асосий Қонунимизни ўрганишни ва аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини ташкил этишда, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстиришда ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда бой тарихий-ҳуқуқий меросимизни ўргатиш ва давлат тилини изчиллик билан жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади. “Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини,

КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛИШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ларни билиши, уларга риоя қилиши, қонунга итоат этиши, уларнинг шахсий эътиқодига айланмоғи керак. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий тарбия бўйича давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш—давр талабидир.

Ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар Ўзбекистон фуқароси мустақиллигимиз Қомуси—Конституцияимизни, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим. Конституцияимизни нафақат ўқиш, балки чуқур ўқиб олиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шу боис, Конституцияга ҳурмат ҳиссини шакллантириш—ҳуқуқий тарбия борасидаги энг устувор вазифадир. Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг асосини Конституция руҳини аҳоли онгига сингдириш ташкил этади.

Конституцияни мустақил Ўзбекистоннинг муқаддас қонунига айлантириш ҳозирги давр тақозосига айланмоғи керак. Ҳар бир диннинг муқаддас китоби бўлгани каби, ҳар бир мустақил давлатнинг муқаддас қонуни—бу унинг Конституцияси бўлмоғи лозим.

Президентимиз “Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишни, мактабларда дарслик тариқасида

у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин”. Бу борада ҳуқуқий меросимиз ёдгорликларини чоп этиш муҳимдир. Фикримизча, ўзбек ҳуқуқий тилининг изоҳли луғатини яратиш, ҳуқуқий қомусни тузиш пайти келди.

Моҳият жиҳатидан Конституция узоқ муддатга мўлжалланган, илмий асосланган ва пишиқ-пухта бўлиши қатъий талаб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқларига, истиқлол ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик, демократия ғоялари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига содиқлик, келажак авлод олдида масъулият сезиш, ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқий тажрибалари аъналарига таяниш, демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини куриш, халқимизга муносиб ҳаёт, тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш мақсади билан ғоят аҳамиятлидир.

Конституцияни ўрганиш ва унинг моддаларининг бевосита ҳаракатда бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Конституция бу бевосита амалдаги ҳуқуқ. Унинг ҳар бир қайдаси, сўзи ҳамма

Munosabat

учун амалий ҳаракатлар дастури бўлиши зарур. Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний бурчидир. Конституция талабларини бажариш, уларга риоя қилиш ҳар биримизнинг эътиқодимизга айланмоғи лозим. Яна Конституцияимизни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда ҳуқуқшунослар олдида турган вазифалар кўлами шунчалар кенги, олимларимиз ва амалиётчиларимиз ўз имкониятларини бирлаштирмоқликлари лозим. Бундай мувофиқлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида Ўзбекистон Ҳуқуқшунослари уюшмаси бўлиши мумкин. Шундай уюшмани тузиш, Конституцияни ўрганиш бўйича олдимиздаги вазифаларни белгилаб олиш ва ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон юристларининг қурултойи чақирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Истиқлол Қомусимизнинг тайёрлиши, муҳокама қилиниши, қабул қилиниши ва изчил ҳаётга татбиқ қилиниши бевосита Йўлбошчимиз номи билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи қонуний Президенти Ислоҳ Каримов Конституцияимизнинг асосий ташаббусқори ва ижодқоридир. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берадиган йўлчи юлдуз—бу мустақиллик Қомусимиздир. Конституция мустақил Ватанимиз ва давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш учун заруриятдир.

Конституция қабул қилинган кундан қанча узоқлашганимиз сари, унинг салоҳияти ва маҳобати, улғуворлиги ва ҳаётийлиги яққол намоён бўлиб бормоқда. Бу эса келажак буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган авлод—бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч-қувват бахш этади. Мустақиллик қомусимиз шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати бўлажак. Чунки, биз ўз истиқлол ва тараққиёт йўли-мизни Конституция асосида белгилаб олдик.

Акмал САИДОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари
доктори, профессор



ЙЎЛ ХАВФСИЗЛИГИ - ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги — ҳаёт хавфсизлигидир. Бу тушунча мактаб ўқувчилари онгига қанча эрта ва тез шакллантирилса, албатта, фойдали бўлади. Шу маънода Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактабда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бўйича шаҳар анжумани бўлиб ўтди. Шаҳардаги барча 26 та мактаб илмий бўлим мудирлари иштирокидаги ушбу анжумани 13-ўрта мактаб директори Умида Усмонова бошлаб бергач, Чирчиқ шаҳар ДАН бўлинмаси муҳандиси, милиция лейтенанти Раҳимжон Исломов йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳақида сўзлади. Барча мактаб илмий бўлим мудирлари ҳам ўз мактабларида бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари махсус майдончада 3—“Б” синф ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш ишларини амалий тарзда ўтказдилар.

Ш.НИШОНОВ

Суратларда: анжумандан лавҳалар акс этган.

Шавкат АҚРАМОВ
олган суратлар.



Тошкент Давлат Юридик институти талабаларининг ташаббуси билан “Ёш ҳуқуқшунослар” клубини ташкил этиш ҳақида илгари сурилган таклиф асосида институтда йиғилиш бўлди. Клубнинг асосий ташкилотчиларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё, Ёшлар телеканали, шунингдек, ТДЮИ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ЎзМУ талабалари иштирок этган ушбу

«ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР» КЛУБИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

йиғилишда асосан ташкилий масалалар кўрилди. Яъни, клубнинг мақсади, фаолият йўналишлари, молиявий ва ташкилий масалаларини ўз ичига олган “Ёш ҳуқуқшунослар” клубининг Низоми” умумий муҳокама қилинди.

Клуб йиғилишлари ойнанинг ҳар 8-кунида утказилишига келишиб олинди.

Клубнинг янги асрадаги фаолиятига муваффақиятлар тилаймиз.

Тоҳиржон ҒОҒУРОВ,
ТДЮИ талабаси, клуб аъзоси

Bозор iqtisodiyoti va oliy ta'lim

Президентимиз Ислам Каримов таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури асосларини ўз асарларида мукамал тарзда кўрсатиб берди. Таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотлар мажмуасида таълимни икки томонлама молиялаштиришга ўтиш, уни оқилона, янада мукамаллаштиришга, таълимга ажратилаётган маблағлардан ўринли ва самарали фойдаланиши каби масалалар ҳам ҳозирги куннинг энг долзарб масалалари ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қаторида таълим муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда бу соҳада маркетинг фаолиятини ривожлантириш каби долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари КТМД ҳаётга татбиқ этила бошланишидан оқорида қайд этилган вазифаларнинг бажарилишига оид муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, вазирликнинг ташаббуси билан таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартиби тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди. Бу биринчидан, молиялаштириш ва кадрлар тайёрлашнинг кўпвариантли (бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизимини жорий қилиш имкониятини беради. Иккинчидан, таълим муассасалари раҳбарларининг маблағларни тежамли, самарали ва мақсадли ишлатиш борасидаги мустақил фаолиятини кенгайтиради ва уларнинг масъулиятини оширади. Учинчидан, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлар таркиби ва бошқа тоифадаги ходимларининг меҳнатини кўшимча рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар меҳнати самарадорлигини оширади ва кадрлар кўнимсизлигига барҳам беради. Шунингдек, ўқув муассасаси ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш масалаларига кўмаклашади.

Молиялаштиришнинг янги тартибига кўра 2000 йилнинг 1 январидан икки йил муддатга бюджетдан ташқари фаолиятдан фойда кўраётган таълим муассасалари Давлат бюджети ҳисобига олинадиган солиқлар ва йигимларнинг барча турларидан озод этилиб, ушбулар эвазига орттирилган маблағларни уларнинг ўқув-техник ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, шунингдек, ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида сарфлаш кўзда тутилади.

Республикамизда иқтисодий ислохотлар изчил тарзда олиб борилаётган бир даврда ОўЮларининг бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш борасидаги имкониятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда вазирлик томонидан ОўЮлари билан ҳамкорликда бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг шакл ва усулларини кенгайтиришга доир муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва ОўЮлари раҳбарларига етказилди. "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт тури ҳамда тушган маблағларни ишлатиш тартиби тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Вазирликнинг масъул ходимлари томонидан ОўЮларининг иқтисод, тадбиркорлик ва маркетинг хизматлари бўйича проректорлари иштирокида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган семинар кенгашилар жойларда мазкур фаолиятни самарали ташкил этишга муҳим амалий ёрдам вазифасини ўтамоқда.

Низомда кўрсатилишича, тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабалардан тушган маблағлар куйидаги мақсадларда ишлатилади:

1. Ўқув жараёнининг (бирламчи) қисми кўрсаткичлари:

— ўқув ва ўқув-услубий харажатлар — амалиёт ўқув дастурларини нашр қилиш ва сотиб олиш, янги қабулни ташкил этиш, малака ошириш, ўқув курслари ва бошқа ўқув юртида кадрлар тайёрлаш, ўқув экскурсия, дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари, ўқув-услубий ишламалар яратиш, замонавий ўқув техник воситалар билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиш ва шу каби бошқа харажатлар;

— маънавият ва маърифат масалалари бўйича тадбирларни ўтказиш;

— ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қув-

ватлашга, ўқитувчи-профессорлар таркиби таъминоти;

— ўқувчи ёшларни мукофотлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга, тўлов-шартнома асосида таълим олаётган талабаларга стипендия тўлаш.

2. Ўқув жараёнининг иккиламчи қисми кўрсаткичлари:

— ўқув муассасаларининг хўжалик таъминоти билан боғлиқ харажатларнинг (коммунал ва бошқа турдаги хизматлар) бир қисмини қоплаш;

— моддий-техник базани мустаҳкамлаш, турли хил асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилиш, ётоқхоналарни юмшоқ мебеллар билан жиҳозлаш ҳамда уларни тўлиқ таъмирдан чиқариш ва ҳоказоларга йўналтирилади. Эътибор берган бўлсангиз, бу ўринда асосий диққат кадрлар тайёрлашга муҳим жиҳат ҳисобланган моддий-маънавий базани бойитишга қаратилган.

Ёшларнинг таълим олишларига бундан ҳам кенг имкониятлар яратиш, олий маълумот олишни хоҳлаган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида, тўлов-шартнома асосида таълим олиш учун таълим кредитлари бериш ва уни қайтариш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши бюджетдан ташқари бўлган 25 тури бўйича куйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади: таълим хизматлари соҳаси; илмий ишлаб чиқариш фаолияти; ташқи иқтисодий фаолияти; тижорат фаолияти; талабалар, ходимлар ва аҳолига хизмат соҳалари; ҳомийлик; ОўЮларининг васийлик кенгаши фаолияти.

ОўМТ вазирлигида бюджетдан таш-

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСАДИГАН ЗАМОН

қари маблағлар тушуми ҳажми охириги тўрт йил давомида 25 дан 60 фоизгача ошди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.01.1998 йил 4-сонли қарорини бажариш юзасидан олий ўқув юртлари учун 300 миллион сўмлик замонавий дарсликларнинг чоп этилиши ва харид қилинишини молиялаш таъминланди.

Шу тарзда ҳозирги замон шароитида, олий ўқув юртларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши борабарига шахсий ташаббускорликлар эвазига ўз фаолияти турларини кенгайтириш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини топишга тинмай ҳаракат қилишлари тақозо этилади. Лекин, бу жараён ҳаддан ташқари тижоратлашувга олиб келмаслиги керак. Олий мактаб жамиятнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини шакллантирувчи муҳим ижтимоий институт, деган юксак мавқеини сақлаб қолмоғи лозим. Тижоратлаштиришнинг қўламини ва йўналишларини улар олий таълимнинг ҳамда олий ўқув юртлари уставининг асосий мақсадлари ва вазифаларига зид бўлмаган ҳамда улар фаолиятининг қайта иқтисослашувига олиб келмаган ҳолларда ўзини оқлаган ҳисобланади.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДА МАРКЕТИНГ

Ҳозирги тубдан ижтимоий-иқтисодий янгилашлар, рақобатга асосланган меҳнат бозори ва таълим хизматлари шаклланаётган бир паллада олий маълумотли кадрларни тайёрлаш ва иш билан таъминлаш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш бўйича самарали механизмларнинг ишлаб чиқиши ва амалда қўлланилиши долзарб масала сифатида намоён бўлади. Ушбу муаммони ечиш учун олий маълумотли мутахассисларга бўлган талаб (эҳтиёж)ларни аниқлаш тизими яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.02.1998 йил 48-сонли қарорига мувофиқ ОўМТВ қошида Маркетинг хизмати маркази, ҳар бир олий ўқув юртида эса маркетинг бўлимлари ташкил этилди.

Барча ОўЮларида маркетинг хизмати бўлимлари ташкил этилиб, уларнинг таъминотини бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш таъминланган.

Таъкидлаш жоизки, 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда республикамизнинг барча ОўЮларида (1991 йилда 52

та ОўЮлари ва 2000 йилда 61 та ОўЮлари) 444 минг нафар олий маълумотли мутахассислар тайёрланган. Ўтиш даври шароитларида ОўЮлари битирувчиларининг (йилига ўртача 35 минг нафардан зиёд) ишга жойлашувини давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш даркор.

КТМДда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 январь 1998 йилдаги "Кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим хизматлари бозори ва маркетингини шакллантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 48-сон қарориди рақобатбардошли муҳитда кадрлар тайёрлаш соҳасининг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари аниқ белгилаб берилган.

Ўтган уч йил мобайнида ОўЮларимизда тайёрланаётган мутахассисларнинг шаклланаётган меҳнат бозори талабларига мос келиши учун нималар қилинди?

Биринчи навбатда, иқтисодий янгилашлар кечаётган бугунги шароитларда мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш жараёнларини тартибга солиш механизмининг тузиш жуда ҳам муҳим ҳисобланади ва ушбу механизмда мутахассисларга бўлган талаб (эҳтиёж)ларни ўрганиш тизимини асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу ўринда қисқа муддатли прогнозлар билан бирга ўртача муддатли ва ҳатто узок муддатли прогнозлар ҳам назарда тутилмоқда.

Кадрларга бўлган эҳтиёж ҳолатлари-

қабулнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлаш;

— кадрлар тайёрлашда уларнинг ҳудудлар эҳтиёжига реал мос келишини таъминлаш. Масалан, айрим вилоятлар педагоглар ва врачларнинг тайёрланишига ихтисослашган бўлиб, бу ерларда бошқа йўналишлардаги кадрларга талаб бўлса ҳам, улар умуман тайёрланмайди;

— бакалавр ва магистр даражасидаги мутахассислар эгаллаши лозим бўлган лавозимларнинг намунали меъёрларини жорий қилиш. Меҳнат вазирлиги билан ҳамкорликда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича мавжуд таснифлагичга мос келувчи лавозимлар таснифлагичини ишлаб чиқиш керак;

— битта ҳудудда қатор ОўЮлари томонидан бир вақтнинг ўзида бир хил йўналишдаги мутахассислар тайёрланишининг олдини олиш мақсадида ОўЮларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги параллелизмни бартараф этиш. Бу ушбу ҳудудда олий маълумотли мутахассисларнинг тайёрланиши сифатининг пасайишига (малакали ўқитувчилар сонининг етарли эмаслиги ва рақобатнинг йўқлиги) ва меҳнат бозорининг муайян мутахассислар билан ҳаддан ташқари тўлиб кетишига олиб келиши мумкин;

— ОўЮлари маркетинг хизмати фаолиятининг режалаштирилишини таъминлаш, "бюортмалар портфели"ни яратишда расмиятчиликка чек қўйиш, янги ишлаб чиқариш, янги технологиялар ва ҳоказоларни инobatга олиб ўз ҳудудининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини чуқур тадқиқ қилиш.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишни, олий ўқув юртлари, вазирлик ва идораларнинг маркетинг хизматлари фаолиятларини яхшилаш, шунингдек, таълимга бюджетдан ҳамда бюджетдан ташқари ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш мақсадида, бизнинг фикримизча қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш керак:

— иқтисодиёт соҳаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тадқиқ қилиш методикасини такомиллаштириш ва кўп муддатли "бюортмалар портфели"ни яратиш зарур. Бу борада корхоналар эҳтиёжларини инobatга олиш билан бирга мутахассиснинг турли хил сабаблар билан ишдан кетиши, табиий ишдан бўшаши, кадрларнинг кўнимсизлиги ва ҳоказоларни ҳам ўрганиш.

— эҳтиёжларни олий ўқув юртлари талабалар қабули, ҳудудлар, бакалаврият ва магистратура йўналишлари ва мутахассислари бўйича миқдор кўрсаткичларига мувофиқлаштириш.

— таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ҳудудлар кесими ва умуман, республика бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжларининг маълумотлар базасини яратиш ва шу асосда ҳар бир олий ўқув юртлари учун aloҳида йўналишлар номенклатурасини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

— ОўЮлар ўз битирувчиларининг ишга жойлашуви борасидаги маркетинг хизмати фаолиятини такомиллаштириш, улар эга бўлган ихтисосликлари бўйича ишлаётган ёки ишламаётганлигини кузатиб бориш ва қабул кўрсаткичларига зарур тузатишларни тавсия этиш;

— муассаса ва корхоналар билан мутахассисларни аниқ бир мақсадда тайёрлаш, талабаларнинг корхоналарда амалиётдан ўтиши, корхонанинг таълим жараёнида иштироки, тайёрланаётган мутахассиснинг кейинчалик муайян бир корхона ёки муассасада ишда қилиниши кўзлаган шартномаларнинг тузилишига эътибор қаратиш зарур.

Биз тобора кўникиб бораётган, тараққиёт кафолати бўлган бозор иқтисодиёти ўзининг ҳаққоний кураш майдони эканлигини намоён этиш борабарига ўз қонун-қоидаларининг қатъийлиги ва ҳаётийлигини ҳам исботламоқда. Бундай шароитда асрлар оша аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган бир мақол бугунги ширимизга айланмоғи керак — «Етти ўлчаб, бир кес».

Муҳаммадали САИДОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи

Сизга бу чехра яхши таниш. У ўйнаган роллари билан қалбингизга кириб борган ва шунда сиз ундаги актёрлик маҳоратига тасонно айтгансиз. Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ўзбек театр ва кино санъатини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган забардаст, етук сиймолардан бирига айланди.

Эл назарига тушган ижодкорнинг қалб тугёнлари, кечинмалари, қийноқлари, эътирофлари “Меҳмонхона” саҳифасида.

— Санъатнинг жамиятда туганган ўрнини таърифлашга “тонналар” қоғозлар сарфлангандир... Зеро, санъат бундай эъзозга лойиқ соҳа, шундай эмасми?

— Санъат жуда кенг қамровли тушунча. У жамиятнинг устувор кучларидан бири. Санъатни севган, уни ардоқлаган одамнинг юрагида ёмонлик бўлмайди. Дийдаси юмшоқ кишининг эса яхшиликка мойиллиги кучлироқдир.

Жамият санъат билан уйғун ва туташ эканлигини, афсуски, оддий халқ вакиллари нари турсин, аксарият лавозимдор шахслар ҳам англаб етмаётганликларига ачинаиб кетаман.

Тўғри, санъатни тарғибташвиқ этишга сафарбар қилинган китоб, газета, журнал, радио, телевидениеда хизмат қилаётган ижод аҳлига тасонно айтиш мумкин. Лекин назаримда шунчалик даражада тарғиб этилишига қарамай, бунга нисбатан аксадонинг қайтмаслиги одамни хафа қилади.

Битта спектакль дунёга келгунча неча кунлик репетиция, қанчадан-қанча актёрларнинг матн ёдлаб, образга киришишлари... “Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди”. Дарнағиллама участка куриб, энг сўнгги русумдаги хорижий машина миниб юрган жанобларнинг ҳам театрга тушиб, спектакль кўришга “вақтлари” йўқ. Тўй-ҳашам, маърака, чойхона палов қилишга вақт топшади...

Баъзан вужудимда оғриқ туради, номсиз бир оғриқ. Бизнинг куйиб-пишишларимиз, образга кириб, ўз шахсиятимиздан чекинишимиз ким ва нима учун? Ўша оғриқ менга тинчлик бермайди ва ҳаёл бошқа томонга етаклайди. Театрга томошабин кирмасам, балки ўзимиз айбдордирми?

Гоҳо театрга мажбурий равишда олиб келинган болаларнинг шовқин-суронини эшитиб, қоним қайнаб кетади. Сақич чайнаб мазах қилишлар, хуштак чалиб қийқиришлар... Қани маданият, қани маънавият, қани театр-га хурмат?

Санъат ўз зиммасига юклатилган вазифани имкон қадар бажаряпти. Аммо унга нисбатан умумий муносабатни тубдан яхшиламасак, бу кемтиклик ўз ҳолича қолиб кетаверади.

— Сиз кўпроқ театр санъатида ўз истеъдодини намойиш этган актёрсиз. Бу йўлда сиз нимани топдингиз ва нимани йўқотдингиз?


— Театрга келиб буюк санъаткорлар — Аброр Хидоят, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Раззоқ Хамроев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева-ларнинг сабогини олдим. Улар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлдим. Улардан олганларим улкан “бойлик” бўлиб, мени элга танитди. Театрдан олган сабоқларим телевидение билан ҳам ҳамкорлик қилишимга замин яратди. Ойнаи жа-

ҳон орқали намойиш этилган видеофильм, кино асарлари орқали томошабинларга руҳан яқинлашдим. Шу ўринда телевидениенинг томошабин учун театрдан кўра қулай имкониятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Театрга бориш учун вақтдан ташқари сарф-харажат ҳам бор. “Зангори экран” эса томошабин билан артистни боғлайдиган энг қулай воситадир.

Театрда бой берган нарсам йўқ. У мен учун энг муборак дунёдир. Бу дунё кўзимга оловдек кўринади, гўёки оҳанрабои бор, тортади. Ҳар кун эртадан кенга қадар театрдаман. Эртаси кун, индинига ҳам бу даргоҳ мени ўзига тортгани-тортган. Зеро, театр менинг ҳаётим, умрим, яна ҳам кенгроқ маънода таърифлайдиган бўлсам, энг яхши тилакларим улғайган ва рўёбга чиққан бешиқдир.

— Ҳар бир ижодкор, хусу-

Меҳмонхона



қилиш бефойда эканлигини айтдилар. Сиз ҳам шу фикрга қўшиласизми ёки ...

— Дунёда касб-кор кўп. Бир-бирига ўхшамаган ёки бир-бирига яқин бу касбларни инсон ўз азму ихтиёри билан танлайди. Буларни икки тоифага ажратиш мумкин. Билим ва ақлзаковат талаб қиладигани, истеъдод талаб қиладигани. Ижодкорлар — шоир, ёзувчи, артист, рассом, ҳайкалтарош, бастакор, созандада Оллоҳ томонидан берилган истеъдод бўлмаса, билим ва ақлзаковатнинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги Санъат институтига ҳужжат топширган ёшлар сони 244 киши бўлиб, шулардан бор-

қиш оламиз.

— Чет эл киноларидаги ур-йиқит, отишув, зўравонлик, қотиллик, талончиликни бизнинг томошабинларимиз ҳам “қимирламай” кўрадиган бўлишди. Санъат асарида бундай лавҳаларнинг намойиш этилишига Сизнинг муносабатингиз қандай?

— Онам раҳматлик 90 йил умр кўрдилар. Ҳар гал қишлоққа борганимда, атайлаб онамга алла айттирдим. У айтган алланинг сеҳри ҳамон кулоқларим тагида акс-садо беради. Бу алладаги жозиба, меҳр мени ўзига ром айларди.

Сиз кинони кўя туринг, бугунги ҳаётдаги манзараларни олинг. Даранг-дуринг музыкалар, тўй оқшомларидаги даб-дабалар, дискотека деган кўнгилочар кечаларни кўриб, улғаяётган ёшларнинг қайси бири момоларимиз, оналаримиз айтган аллаларни тингланган экан деб, ўйлаб қоламан. Оналар алла айтмасалар, бунинг ўрнига “Ухла-ей, жонинг чиққур” деб боласига дўқ-пўпса қилсалар, таомга қўл узатганда, оталар “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” иборасини ишлатиб, фарзандларига намуна бўлмасалар, болалардан нима кутиш мумкин?

Видеокабелни улаб қўйишга қурбим етади, лекин илло

“ЯХШИ ТИЛАКЛАРГА БЕШИҚДИР ДУНЁ”

сан, ёзувчи, шоир, рассом ёки дейлик, актёрнинг ҳам ўзи эътироф этган асари бўлиб, уни “ижодимнинг чўққиси” деб атайди. Сиздаги шу “чўққи” қайси роль ва нима учун?

— Актёрларга мухлислар ҳавас билан боқишади. Лекин унинг меҳнати замиридаги машаққатлар актёрнинг ўзигагина маълум. У қаерда-йўлдами, уйда, тўйда, ҳаммомда, қўйинги, уйкуга ётганида ҳам ўзига берилган роль устида захмат чекади.

Ҳозирга қадар худди шундай машаққатлар маҳсули сифатида театрда 100 га яқин, телевидениеда намойиш этилган асарларда 300 та, кинода эса тахминан 20 дан зиёд образларни яратиб муваффақ бўлдим. Бундан 20 йилча муқаддам телевидение орқали намойиш қилинган марҳум ёзувчи Ўқтам Усмоновнинг “Гирдоб” романи асосида ишланган видеофильмда куюнчак олим Азиз Қосимов родини ўйнадим. Бу образ орқали томошабинлар кўнглига янада яқинроқ кириб бордим, десам ҳам бўлади. “Ўзбеклар иши”га бағишланган “Қисмат” фильмидаги Қурбонов, Фитратнинг “Абулфайзхон” драмасидаги Абулфайзхон образлари ҳам кўнглимга жуда яқин. Худди уларда менинг шахсий хислатларимга ўхшаб кетадиган нималардир бор.

Азиз Қосимов образи ўзимга жуда ёққанлиги учун фарзандларимдан бирига шу исмни қўйдим. Актёр ўзининг нимага қодирлигини билади. Ҳали чинакам идеал образни яратганимча йўқ, деб ўйлайман.

— Барча соҳада устоз-шогирдлик аънанаси кузатилади. Яқинда таниқлик актриса Гулчеҳра Жамилова билан суҳбатлашганимда, улар актёрнинг ўзида маҳорат бўлмаса, минг устозлик

йўғи 33 киши талабалikka қабул қилинган эди. 1-курсни тамомлаш арафасида улар англишмасам 9 ёки 11 нафар қолди. Охири курсга қадар улар яна ҳам озайди. Артистлик истеъдодини намойиш эта олганлар бугунги кунда элга танилишди. Гулчеҳра Жамилова, Ёдгор Саъдиев, Ҳожиакбар Нурматов, Турдибой Содиков, ҳозир Хоразм вилоят театрида фаолият кўрсатаётган Одамбой Бобоҷонов, Ўзбекистон радиосида хизмат қилаётган Муҳаммаджон Суфихўжаевларни шулар сирасига қўйиш мумкин.

Артистнинг қизил дипломи бўлиши шарт эмас. Унинг учун энг муҳими, истеъдод ва яна истеъдоддир. Шундай бўлса-да, устоз санъаткорларнинг йўл-йўриги, маслаҳати лозим бўлади. Раҳматлик устозимиз Шукур Бурхонов сахнага чиққанларида гўёки ҳаммаёқ нурга чулғанарди. Бу овоз, бу юрак, бу салобат, бу сумбат ҳар қандай томошабинни ларзага солар ва ўзига ром этарди. Шукур Бурхоновда ўша кўзга кўринмас, қўлга илинмас, фақат юраккина илғай оладиган иқтидор бор эди. Шу маънода иқтидор гўёки илоҳиётга хос тушунча ҳам бўлса керак.

Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева, Зайнаб Садриева, Замира Хидоятова каби буюк сиймолар театрга йўқлама учун келмасдилар. Саҳна, репетицияга улар тирикчилик манбаи сифатида эмас, балки юрак амрига қулоқ тутиб ёндашганлар. Биз ёш санъаткорлар уларнинг юриш-туришидан тортиб, ўйнаган ролларига ҳам разм солардик. Улардай бўлишга интилардик. Буюк сиймоларнинг ижоди туганмас тиниқ бир чашмадир. Гарчанд улар оламдан ўтиб кетган бўлсалар-да, биз ҳамон ўша чашмадан “сув” ичамиз, қони-

фарзандларим тарбияси мукамал бўлишини ўйлаб, бу ишга қўл урмадим. Маънавият юксак бўлишининг шартини сифатида уларга кўпроқ бадиий китоб ўқиш учун шароит туғдираман. Тўй-маъракаларга борганимда, аёлларимиз қўлидаги қимматбаҳо тилла тақинчоқларни, эгнидаги ялтир-юлтур кийимларни кўриб, жаҳлим кўзийди. Ўртага пул сочиладиган бўлса, оналар болаларини пул теришга итариб юборадилар. Улар болаларига китоб совға қилмаса ҳам, театрга олиб бормасам ҳам, кўргазмага тушмасам ҳам ўзлари учун зеб-зийнатга, мато олишга пул топадилар. Театрда неча йил ишлаган бўлсам, Сора опанинг қулоғида тилла зирак кўрмаганман. Чунки аминманки, Сора опа маънавиятга жуда юксак аёл эди. Дардим кўп, синглим, қайси бирини атайди? Биз маънавият, маънавият деймиз-у, ҳаётдаги бундай манзаралар билан қайққа кетаётганимизни ҳам билмаймиш.

— Сиз меҳнат қилаётган Ҳамза номидаги театр қайси давлатларнинг театр жамоалари билан ижодий ҳамкорлик ўрнатган?

— Афсуски, бундай алоқалар йўқ, лекин ўрнатилса яхши бўларди. Ҳеч бўлмаганда МДХ давлатлари билан. Шимолий Ирландиянинг 14 та шахрида “Мирзо Улуғбек” драмасини намойиш қилдик. Театрдаги сукунат, томошабинлардаги юксак маданиятни кўриб тошдек қотдим. Уларга драмани ўзбек тилида кўрсатдик. Тиллар бошқа-бошқа бўлса-да, ирландияликлар биз ўйнаган ролларни марок билан томоша қилишди. Қанийди, бизда ҳам театрга муносабат улардагидек шаклланса...

— Сизнинг санъат оламига кириб келишингиз билан боғлиқ кечинмалар...

— Андижоннинг Хўжабод туманидаги Тўфа қишлоғи билан Ўш шаҳри ораси 5 километр. Болалигимда онам раҳматлик Ўш театрига мени тез-тез олиб тушардилар. Саҳнадаги одамларнинг кимлигини сўраганимда, онам: “Улар артистлар” деб жавоб берганлар. Шу-шу артистлар ҳаётига қизиқиш менда кучайган. Айниқса, ўша театрда намойиш қилинган “Равшан ва Зулхумор” спектакли ҳамон хотирамда.

Отам раҳматликни Комил қори дейишарди. Уйимизда эски адабий-бадиий манбалар кўп эди. Маърифатли кишининг хонадонидида ҳар кеч китобхонлик бўлар, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби адибларнинг асарлари мутлоа қилинарди. Отам бу ноёб китобларни ўқиб бергач, қаерларгадир бекитиб қўярдилар. Ўша китобхонликлар, театрга тез-тез туришим, кейинчалик Ўш театрига ишчи бўлиб ёлланганим мени санъат оламига етаклаган бўлса, ажаб эмас.

1962-63 йиллардаги Ўш театридаги фаолиятим давридаёқ мен дилимга қатъий бир режани тугиб қўйгандим: “Артист бўламан”. Шундай қилиб, 1964 йилда чўнтагимга солинган 27 сўм пул ва битта чамадон билан Тошкентга йўл олдим. Ўша йилиёқ институтга кириб, 3-курсдан эътиборан Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри билан ҳамкорлигимни бошладим. Нимагаки эришган бўлсам, ҳаммаси меҳнат ва ижод билан юзага чиққан.

— Кинода роль ўйнаш осонми ёки театрда?

— Кино бир марта тасвирга олинади. Ундаги ҳолатларни такрорлашнинг ёки тўғрилашнинг имкони йўқ. Кадр битта. Спектаклда эса драматик ҳолатлар такомиллашиб боради ва бунда актёр бугун урдасидан унчалик чиқмаган кўринишни эртаси кун меъёрига етказиб ижро этиш имконига эга. Кинода роль ўйнаган актёр театрга келиб жиддий қийинчиликларга учрайди. Лекин театр мактабини ўтаган артист кинода бемалол образ ярата олади. Демак, ҳар қандай артист кинодан аввал саҳна асарларида ўз маҳоратини синая кўриши керак.

— Оила даврасида, фарзандлар тарбиясида сизнингча, нима муҳим?

— Тўғри, оқилона тарбия ҳар қандай оиланинг шаън-шавкати, ор-номусини белгилайди. Сизнинг фарзандингиз бир дарага кириб борса, одамлар уни очиқ юз ва иззат-икром билан кутиб олишса, бу сизнинг бахтингиз. Агар тундлашиб, “дастурхонларини йиғиштиришса”, билинги, бу сизнинг фарзанд тарбияси бобидаги фожиангиздир.

Фарзанд қариганда белинганга қувват, кўзингга нур, оёғингга мадор бўлиши керак. Аксинча бўлса, демак, айбни ота-она ўзидан ахтарсин. 7 нафар фарзанднинг отасиман. Ўзимда борини, ота-онамдан менга ўтган хислатларни уларга беряпман.

— Сизнинг ижодингизга барака тилаб, суҳбат учун миннатдорчилик билдирган холда ўз мухлисларингизга истакларингизни қоғозга тушириш ниятида эдик.

— Яхши тилакларга бешиқдир дунё,
Очолсанг жаннатга эшиқдир дунё,
Ҳофиз қидирган кўшиқдир дунё,
Сизларга тилагим камлик кўрмангиз,
Сиз ҳам бизни ҳеч қачон гамлик кўрмангиз.

Икки дунё саодатини кўрмоқ барча мухлисларга насиб этсин. Аслида ҳаётнинг ўзи катта сахна. Ана шу сахнада фақат ижодий ролимиз билан қолайлик.

Хулқар ТҲИМАНОВА
суҳбатлашди.

«МАЪРИФАТ» ЖУЗЛАРИ



Навоий вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилгани боис кўплаб кичик ва ўрта бизнес шахобчалари тузилиб, улар халқ фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Нурота шаҳридаги Ўролбой Раҳимов ташкил этган "Мардон бобо" хусусий фирмаси ана шуларнинг биридир.

"Мардон бобо" хусусий фирмаси гўшт маҳсулотларини қайта ишлаб, ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради.

Бундан ташқари, хусусий фирма таркибида "Саёҳат" миллий таомлар ошхонаси мавжуд бўлиб, Нурота шаҳридаги "Чашма" ва "Чил — устун" мачитини зиёрат қилиш учун келувчи меҳмон-зиёратчиларга хизмат қилади.

"Мардон бобо" хусусий фирмаси-

нинг ўзига хос бўлган яхши томонлари мавжуд. Шаҳарнинг "Тинчлик", "Эшон Судур", "Аҳмад Яссавий" маҳаллаларида истиқомат қилувчилар фарзанд-ларининг суннат, келин-куёв, мучал тўйлари ушбу хусусий фирмага қарашли "Саёҳат" ошхонасида ўтказилади.

МАШАББУСЛАРВОЗИ

Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади, дейди доно халқимиз. Ўрол акани сахий, элпарвар бўлишида раҳматли оталари, уруш фахрийси Мардон бобонинг хизматлари катталигини элнинг катта-кичиги билади.

Ўрол ака эл оқсоқоли, туман кенгашининг депутати, "Таълим ҳомийси", онашаҳри Нуротанинг гўзал ва обод бўлишидаги савобли ишларга фидоий сифа-

тида қўл уриб келаётганлиги боис эл назарига тушганлардан ҳисобланади.

У шаҳардаги 1-ихтисослашган, 5-8-ўрта мактаблар, "Ширин" болалар боғчасининг доимий ҳомийси ҳисобланади.

Бутун умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаган устоз-мураббийларнинг

тинимсиз меҳнатини қадрлаш мақсадида, тумандаги "Ширин" болалар боғчаси тарбиячилари ва 1-ихтисослашган, 5-8-ўрта мактаб ўқитувчиларини "Мардон бобо" хусусий фирмасининг соф даромади ҳисобидан 21 нусхага, жами 60 минг сўмга обуна қилишга ўз ҳиссасини қўшган хусусий фирма раиси Ўролбой Раҳимовнинг бу олийжаноблиги мақтовга лойиқдир.

— Маърифатчиларнинг керакли наشري бўлган "Маърифат" газетасига обуна қилиш ташаббуси билан чиққан Ўролбой сингарилар Республикамизда кўп бўлсин, — дейди қирқ йил ўқитувчи бўлиб ишлаб, юзлаб иқтидорли шогирдлар тарбиялаган 74 ёшли нуроталик Норхол Кўлдошева.

— Менинг назаримда, XXI асрда таълим тараққиёти янги босқичга қадам қўяди. "Маърифат" газетаси ўз саҳифаларида шаклан ранг-баранг, мазмунан чуқур, кўп қиррали маърифий-маънавий, тарихий, иқтисодий янгилик, воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар беради, деган умиддамиз. Ҳадемай, 2001 йилни кутиб оламиз. Янги асрда барчанинг хонадонига зиё нури кириб бориши учун "Маърифат" газетасига обуна бўлишга қадват этаман, — дейди Ўролбой ака.

Ў.ПҮЛАТ

БИНАТОВА ҲАЗИДА...

Аёл ардоқдадир ўзбек элида,
Сиз ҳам асранг уни азиз эркаклар.
Кўнглини топинг сиз, бўлманг бепарво,
Бепарволик эзар аёл қалбини.

Ширин сўзлар айтинг, бўлингиз шоир,
Аёл ширин сўзнинг гадоси эрур.
Сарф этинг қалбингиз гавҳарларини,
Ўшанда топасиз ҳақиқий бахтни.

Биламиз, мағрурсиз, эгилмайсиз ҳеч,
Шу мағрурлик билан қолинг тоабод.
Лек баъзан ҳайратда қолдириб бизни,
Сиз шоир бўласиз бегоналарга.

Қалбингиз тубидан ширин каломлар,
Юзингизда мана майин табассум.
Наҳотки, бегона аёл қошида
Топилган бу гавҳар топилмас уйда.

Эҳ, сиз буюк зотлар, ўйланг яхшироқ,
Меҳр-муҳаббатни этманг бегона,
Ахир, бу дунёда сизни "СИЗ" этган,
Мағрур бир "ЭР" этган ўз аёлингиз.

Номингиз абадий қолдирган ҳам у,
Ораста кийдириб, "кулдирган" ҳам у.
Ширин таомларга сийлатиб сизни,
Баъзан меҳрга зор қолган ҳам ўша.

Билсангиз бу ҳазил, билмасангиз чин,
Лекин аёл қалбин топган дурустрок,
Хўрлаб қўйсангиз-чи, билинги албат
Сизни ҳам олдинда кутар жавоби.

БИР КАМ ДУНЁ



Меҳр деб аталмиш ширин бир туйғу,
Инсон юрагини тарк этса бир зум,
Бир савол бўларкан шу онда пайдо,
Нега бахт бутунмас? Юрак нега маҳзун?
Кийнайди вужудни, кезади сарсон,
Аммо тополмас у айнан бир жавоб,
Сўнг таскин топади юпатиб ўзни
Асли бир кам-ку бу жумлаи жаҳон.

Нега шундай ахир, нега бири кам,
Нега кулгу ўрнин эгаллайди ғам,
Нечун вафо ўрнин олар хиёнат,
Ахир, бу дунёда бор-ку муҳаббат.

Эй, юрак! Бир кам деб топма сен таскин,
Ёинким, ўкинма бурканиб ғамга,
Кўзгал! Исён кўтар! Тинч турма асло!
Бутун бўлмас экан меҳр-муҳаббат,

Сен кураш, курашгин, токи бу олам
Бутун бўлиб қолсин, бўлмасин бир кам.
Шамсия ХҲЖАМОВА,
Нурота шаҳридаги Нодира номли
5-ўрта мактаб ўқитувчиси



"Йил ўқитувчиси—2000" кўрик-танлови иштирокчиси, Навоий шаҳридаги 17-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Иродахон Шодиева изланувчан муаллималар сирасига киради. Шу боисдан ҳам муаллима ўқувчиларининг тасвирий санъат фани бўйича ўзлаштиришлари ҳар доим ҳам юқори бўлмоқда.

Суратда: ижодкор ўқитувчи Ирода Шодиева навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўраётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Мамлакатимизда 2000 йил Соғлом авлод йили деб эълон қилиниб, бу борада ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида давлат дастури қабул қилинган эди.

Кармана туман халқ таълими бўлимида туман ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлигида ушбу дастур асосида таълим соҳасида туманда қилинадиган ишлар белгилаб олинди, мактаб, мактабгача таълим муассасаларидаги фаолиятларида бир қатор ижобий ютуқларга эришдилар.

Шу йилнинг март ойида барча мактаб директорлари ва болалар боғчалари мудирилари билан йиғилиш ўтказилиб, "Соғлом авлод дастури" асосида туман халқ таълими бўлимининг 2000-2005 йилларга мулжалланган истиқбол дастури қабул қилинди. Шу дастурда белгиланган тадбирлар асосида мактабларда "Соғлом авлод — мамлакатимизнинг бебаҳо бойлиги" мавзусида иншоолар кўриги, очик дарслар,

уринни эгаллади.

2000 йилнинг июнь ойида Ф.Хужаев номли 2-урта мактаб ва А.Р.Беруний номли 5-урта мактабларда 50 тадан жами 100 нафар бола мактабда ёзги дам олиш оромгоҳида дам олишди. Шунингдек, 100 нафар бола 15 августдан 25-маҳсус мактаб интернатда дам олишган бўлса, 3 ўқувчи Тошкент шаҳридаги "Лочин" оромгоҳида, 24 нафар бола Навоий вилоят матлубот жамиятига қарашли "Матлуботчи" ёзги дам олиш оромгоҳида дам олиб қайтишди.

Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг асосий мақсади юртимизда яшайдиган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб боришдан иборатдир.

Худди шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тар-

ТАЪЛИМ РАВНАҚИНИ ЎЙЛАБ

кургазмалар ўтказилди. "Севимли уйинчоқлар" кўрик танловида иштирок этиб вилоятда иккинчи уринга сазовор бўлди ва уйинчоқлар Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларига совға қилинди.

Еш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, жиғиман бақувват бўлишини таъминлаш бўйича мактабларда футбол, баскетбол, енгил атлетика бўйича синфлараро ва мактабларо мусобақалар ўтказилмоқда. Апрель ойида Кармана туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси билан ҳамкорликда "Соғлом авлод" йилига бағишлаб ўқитувчилар уртасида волейбол, шахмат-шашка бўйича спорт мусобақалари ўтказилиб, бунда мактабларнинг ўқитувчилари фаол иштирок этдилар ва рағбатлантирилдилар.

"Соғлом авлод — Ватан истиқболи" мавзусидаги иншоолар танловида Фурқат номли 15-урта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шаҳноза Жумаева вилоятда II уринни эгаллади. Шунингдек, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари уртасида бўлиб ўтган "Шу-нқорлар" ҳарбийлаштирилган туман кўрик танловида Ф.Хужаев номли 2-урта мактаб гуруҳи I уринни эгаллаб, вилоятда фахрли IV

биялаш, янги авлодни вояга етказиш энг муҳим вазифамиздир. Шу муносабат билан ҳокимлик соатида айнан таълим-тарбия соҳасида туман мактабларида, ташкилот, корхона ҳамда муассасаларда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб бу борада тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиш айнан шу куннинг қундалик ишига айланмоғи керак. Бу борада туман ҳокимлиги ва "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳи тумандаги 4 та мактабнинг маънавият ва маърифат ишларининг қандай аҳволда эканини аниқлаб, тегишли худоса чиқарди.

Мактабларда ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишлари уларнинг дунёқарашлари давлатимизнинг олиб бораётган ҳозирги сиёсати турғисида савол-жавоб қилинганда, улар ичида теран фикрловчи, ҳозирги кун воқеаларини тула талқин қилиб бера оладиган ўқувчилар кўпчилигини ташкил қилди.

Зиёда
МИРБОБОЕВА,
Кармана туман ХТБ
мудираси

Fanimiz fidoyilari

Устоз деган шарафли номга сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ҳикоя қилмоқчи бўлганим бу инсон ана шу табарруқ номга том маънода муносиб бўлган Асқар Фуломовдир.

Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган ва 40 йилдан ортиқ халқ таълими муассалари, Бухоро Давлат университетидида самарали меҳнат қилиб келаётган педагогика фанлари доктори, профессор А.Фуломов мактабда она тили таълимини янгилаш ташаббусини бошлаб берди ҳамда унинг самарадорлигини таъминлашга бутун ижодий фаолиятини бахшида этди.

1940 йилда Бухоро шаҳрига яқин Роботи тўпчи кишлоғида туғилиб олти ёшида онасининг вафотидан сўнг бувиси кўлида тарбияланган Асқаржон ўрта таълимни кишлоқ мактабидан олди. Кундузи институтда ўқиди, кечалари



ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИГА БАХШИДА УМР

тўқимачилик фабрикасида ишлади. Хаётининг оғир кунларини меҳнат ва умид билан ўтказган захматкаш йигит қатор йиллар мактабларда ўқитувчилик қилди. Эсимда, 1965 йилда Асқар ака тарихдан қисқа муддат Минораи Калон ёнидаги Охунбобоев номидаги мактабда дарс берар эдилар. Ушанда 6-синф ўқувчилари қаторида менинг ҳам қалбимда она шахрим Бухорога, унинг тарихига муҳаббат ҳиссини уйғотган, равон нутқи, ўзини эркин тутиши ва муҳими, ўзига хос ижодий тарзда дарс ўтиши билан ўқитувчилик касбига қизиқишимни кучайтирган инсон ҳам у эди.

Унинг фидойилиги кўплаб ёш ўқитувчиларни катта илм сари етаклади десам тўғри бўлади. Она тили таълимини такомиллаштиришга бағишланган 15 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишларига бевосита Асқар Фуломовнинг илмий раҳбарлик қилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Мазмуни тубдан янгиланган дарсликлар, нутқ ўстириш усулларига бағишланган ўттиздан ортиқ монографиялари унинг номини она тили ўқитувчиларига азиз қилди. Улкан услубиятчи олим она тили дарсларида ўқувчини таълим шароитининг субъектига айлантириш орқалигина ўқувчининг нутқини ўстириш самарали бўлишини асослаб берди. Унинг таклифига, ўқувчи дарс жараёнида тил материални кузатиш, ундаги умумийлик ва хусусийликларни ажратиши, ўхшаш ҳамда фарқли томонларини таснифлаши, сўнгра ўзи ҳукм ва хулосалар чиқариб, ўрганганларини амалиётда қўллаши лозим. Афсуски, кўпгина ўқитувчиларимиз ҳали ҳам бу вазифаларни ўзлари бажарадилар. Ўқувчи ўрнида ўзлари фаоллик кўрсатмоқчи бўладилар, натижада ўқувчи султ

томошабинга айланиб қолади.

Бирор бир фаннинг таълимини такомиллаштириш биринчи галда шу фаннинг ўқув дастури ва дарсликнинг сифатига боғлиқдир. Профессор А.Фуломовнинг бевосита иштирокида нафақат она тили таълимининг ўқув дастури балки қатор янги дарсликлар, шунингдек, ўқиш қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун ҳам ўзбек тили фанидан биринчи мартаба ўқув дастури ва бир неча дарсликлар яратилганлиги бу фидойи инсоннинг она тилимизнинг чинакам жонкуяри эканлигидан далолат беради.

А.Фуломов фанимизнинг барчага маълум соҳаларидан камида ўнтадан фан докторлари етиштирган десам ишонингиз аник. Аммо она тили таълими бўйича республикамизда А.Фуломовдан бошқа фан доктори йўқ дегудек бўлсақ ишонмайсиз.

Асқар ака "Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллигини ошириш" мавзусида 1997 йилда докторлик диссертациясини осонликча ҳимоя қилмаганлигини яхши эсламан. Доимо янгиликка интилиб, уни амалга оширишда ташаббускор бўлувчи Асқар ака она тилини ўқитишдаги анъанавий қарашларнинг эскирганлигини сабот билан тушунтириб, янгилашнинг илмий-тадқиқотий дарсларини кўрсатиб берди.

Ҳамиша янгиликка интилиб самарали илмий фаолият кўрсатаётган устоз А.Фуломов зиммасида она тилимиз таълимини янада яхшилаш, янгидан-янги дарсликлар яратишдек шарафли вазифа турибди.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент



Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Малика Маҳмудова 30 йилдан буён Акмал Икромов туманидаги 4-мактабда ўқувчиларга сабоқ беради. Малика опа ўқувчиларига адабиётни севишни ўргатади. Демакки, ҳаётни севишни ҳам. Гўзалликни ҳис қила олиш мактаб партасиданоқ бошланишини яхши билган муаллима мактабда "Ёш қаламкашлар" тўғрагини ҳам бошқаради. Яқинда ушбу мактабда "Зулфияxonим қизлари" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 9-синф ўқувчиси Дилрабо Илхомова голиб бўлди.

Суратда: Дилрабо Илхомова ўз битикларини устози М.Маҳмудовага ўқиб бермоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ
олган сурат.

Ёш бўлса-да омад билан кўп бор юзлашган андижонлик ёш муаллима Зулфия Раимбердиевадаги қобилият уни адабиёт билан жуда эрта дўстлашишга, шеър ёзишга ундади. Ёшлигиданоқ шеърлари рўзномаларда чоп этилиб, 8—9-синфларда у туман "Ёш қаламкашлари" сафидан ўрин олди ва "Менинг биринчи китобчам" кўриктанловидида фахрли ўринга сазовор бўлди. Тил ва адабиётга тобора меҳри ўсган Зулфия фан олимпиадасига астойдил тайёргарлик кўриб, 10-синфда туман, вилоят босқичидан ўтиб, республикада ҳам шараф-

ли 1-ўринни эгаллади. Унинг бу ютуғи туман халқ таълими бўлимнинг, мактаб жамоасининг чексиз қувончига, ўзининг эса бир синф юқорига ўтишига сабаб бўлди. Тенгдошларидан аввал мактабни имтиёзли тарзда синавларсиз Андижон Давлат университетига қабул қилинди. Университетда ҳам доимо фаоллиги, аъло баҳолари, ижодкорлигини ҳисобга олишиб, уни "Чўлпон", "Университет" стипендияларига тавсия этишди.

Устозларининг Зулфиядан умидлари улкан. Шунинг учун ҳам унга олийгоҳда қолишини таклиф қилишди. Анча йиллардан буён Кўргонтепа туманидаги 21-ўрта мактабда дарс бериб келаётган Мавлуда опа Маматқаримова эса, қизи Зулфияга шу мактабда ишлашни маслаҳат берди. Бу мактаб, қолаверса, унинг ўқувчиликдаги ижодий ғалабаларига гувоҳ бўлган улуг маскан эди. Мактаб директори Муборахон Оқтоева ҳам унинг шу ерда ўқитувчи бўлиб қолишини истарди.

Зулфия ўқишни битирмасиданоқ, тумандаги лицей ва гимназиялар ишга таклиф қила бошлашди.

Айни пайтда 21-мактаб ва унинг ёнида жойлашган 20-гимназияда тил ва адабиётдан сабоқ бераётган ёш муаллима мактабда ҳам, гимназияда ҳам каттаю кичик орасида ўз ўрнини топа олди. Қачон қараманг унинг ижод билан машғул бўлиб, ўқувчилари, ёш шогирдлари курсида эканини кўрасиз. Утаётган дарсларидан ташқари, кўшимча ўрганиш учун кела-

увчиларнинг интизоми, дарсда олган баҳолари, синфхонанинг етишмовчиликлари ҳақида гапирди, болалардан шикоят қилади. Тўғри, синф ўқувчиларининг камчиликлари ва яхши томонларини ота-оналарга очик айтиш керак. Лекин ота-онанинг куруқ танбеҳи ҳар доим ҳам ўқувчининг мактабда интизомли бўлишига хизмат қилавермайди. Устозимиз Муҳаббат опа Қодирова булса, ўқувчиларнинг интизомли, ақлли бўлиши учун одатдаги ота-оналар мажлиси ўрнига алоҳида тadbир ўйлаб топди. Бу тadbирда ўқувчилар ўзи ташкил этган саҳнаю уйинлар намойиш қилинади, қушигу рақслар ижро этилади, одоб-ахлоқ, ота-она ҳақидаги шеър-газаллар айтилади. Қувончлиси шундаки, бу байрамни биринчи бўлиб биз—8-«А» синф ўқувчилари утказдик.

—Бундай тadbирлар доимий ота-оналар мажлисларидан кескин фарқ қилади, —дейди Муҳаббат опамиз. —Чунки бунда одатий бўлиб қолган ота-оналар мажлисида аввал кўрилмаган, ўқувчиларнинг ўзи ташкиллаштирган байрам утказилади. Тadbир утказилганда ўқувчининг жамоат ишларидида фаоллиги ошди, интизомсизликка ўзи онгли равишда йул қўймайди...

Муҳаббат опанинг Мастура опадан урганган яна бир урнали иши—ўқувчининг эркин

УСТОЗИМИЗНИНГ ШОГИРДИ—УСТОЗИМ

Муҳаббат дастлаб педагогика институтига имтиҳон топширди. Бироқ имтиҳонлардан "йиқилди". Шунда ҳам тушқунликка тушмади. Келаси йили ТошДУга имтиҳон топширди. Бу гал унинг омади келиб, ўқишга яхши баҳолар билан кирди. Ўқишни муваффақиятли битиргач, ўз мактаби—114-мактабга келиб, географиядан дарс бера бошлади", деди.

Муҳаббат опа доим дарсни янги методлар асосида ўқувчиларга ўргатади. У дарс пайтида фанга ўқувчини қизиқтириш мақсадида шу дарсга оид қизиқарли уйинлар ўйлаб топади. Масалан, ўқувчилар тўртбурчак шаклидаги кўплаб квадратлар ясайдилар. Ҳар бир квадратнинг бир томонига дунё харитасининг бир қисми епиштирилади. Муҳаббат опа ўқувчининг топқирлигини синаш учун ана шу тўртбурчаклардан бирининг ўрнига иккинчисини қўйиб алмаштиради. Шунда ўқувчи тўртбурчакларни аввалги ҳолатига қайтариб, яъни ўз жойини топиб, ўрнига қўйса—ернинг харитасини тўғри тузган булади ва у голиб ҳисобланади.

Одатда, ҳамма мактабларда ҳар чорак охирида синф раҳбари ўқувчиларнинг ота-оналари билан мажлислар утказилади. Бу мажлисларда кўпинча муаллим

фикрлашига йул қўйиб беришидир. Синф раҳбаримиз ўқувчиларнинг ўз фикрларини очик, далил ифодалашлари учун уларга бадиий китоблар, газета-журналлар ўқишни тавсия этади.

Ота-оналар ўз фарзандлари таълим олаётган мактабга имкониятларига қараб, моддий ёрдам беришлари лозим. Бизнинг синф раҳбаримиз ҳам ота-оналаримиздан уларнинг имкониятларига қараб пул олиб, синфни чиройли қилиб таъмирлатдилар. Бизнинг синфхонамиз кўркемлиги, намунали географик синф деб топилгани учун Тошкент шаҳар Чилонзор тумани халқ таълими бўлимидан масъул одам келиб:

—Бунақа кўркем, мазмунли безатилган синфни мен биринчи марта кўришим, —деб тан олди.

Шу тўғрисида фахрий ериқ, мукофот пуллари билан тақдирландик. Бундан ташқари, телевидениедан муҳбирлар келиб синфхонамизни суратга ҳам олиб кетишди.

Яхши устоз доим ўзи каби яхши шогирдни камолга етиштиради. Мен Мастура опанинг шогирди—Муҳаббат опадек устозим борлигидан фахрланаман...

Жалолиддин САЪДИНОВ,
Тошкентдаги 114-мактабнинг 8-«А» синф ўқувчиси

ётган ўқувчиларнинг ҳаммаси бу ўқитувчининг билим ва иқтидорига чинакам қойил бўлишади. Гарчи кишлоқда бўлса ҳам неча неча билимга ташна қалбларни маърифат нури билан чароғон айлаётган ёш Зулфияга гимназия директорининг ҳам меҳри баланд. Бу йил Зулфиянинг номзоди "Зулфия" номидаги Давлат мукофотида қўйилди. Ўйлаймизки, у ҳам шоира Зулфия каби ижод чўққиларига интилиб, эл назаридаги инсон бўлиб етишади.

Муножот МҮМИНОВА,
талаба

Икром Отамуроднинг йил бошида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилган янги шеърлар туркуми сарлавҳаси "Яқин ва йироқ" деб аталади. Биз туркум шеърлар ичидан биронта чиройли мисрани танлаб, сарлавҳага чиқаришга ўрганиб қолгандик. Икром аканинг янги туркумида эса "Яқин ва йироқ" номли биронта шеър ҳам, бу сўзлар ишлатилган биронта сатр ҳам йўқ эди. Яқин ва йироқ мавзуи шеърларнинг ички мазмунидан бўртиб турарди. Янгилик сарлавҳада эмас, сарлавҳа остидаги шеърларда эди. Шеърлар ботинларидаги мазмунни бошларига гулчамбардек кўтариб турарди. Шоир туйғуларни ифодасига сингиб кетган яқин ва йироқ тушунчалари мазмуни менга борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва мамот тушунчаларидек кенг ва тирай бўлиб кўринди.

Икром Отамуроднинг "Сен" номли янги шеърлар китоби ҳақидаги мулоҳазаларимни "Яқин ва йироқ" туркумидан бошлаганим бежиз эмас. Аслида "Сен" "Яқин ва йироқ"дан бошланган. Яқин ва йироқнинг шеърлари "Сен"га киритилган. "Сен"нинг ғоявий-бадий мундарижаси асосини "Яқин ва йироқ" ташкил этади. "Яқин ва йироқ" манзаралари яхлит бўлиб "Сен"га жойланган.

Канглум, мендан бўлак киминг бор сенинг?

Канглум, сендан бошқа менинг кимим бор?!

Касби кулоли ясаган кўзанинг сувлари зилолдир...

Бу кўза кимгадир бир парча лой, кимгадир тупроқ бўлиб кўринади. Шоир эса бу кўзанинг бағридан қанчалаб Ватан жой олганини, қанча юртлар тарихининг кўза шаклида садо бериб турганини ҳис этади. Кўзага термулиб туриб, шеър муаллифининг ҳислари нозиклашади, кўзанинг рамзлари қуоқлашади:

Қатқалоқ кафтларнинг тафтини хўплаб-

Касби туфроғида палак ёйган гул. Ўтган-кетганида бир фасл тўхтаб, Чанқоғини босар ундан

хорғин йўл.

Мана шу шеър мисолида айни чоғда шуни таъкидлашни истардимки, бу—Она-Ватанимизнинг энг гўзал тасвирларидан биридир. Биргина кўзани шоир юрагига шунча-

лар яқин олганки, шунчалар меҳр билан тасвирлаганки... Ватан олдида, миллат қаршида, инсон рўпарасида вақтнинг ҳечлиги билиниб қолган. Санъатнинг кучи ҳам шунда-да.

Қатқалоқ кафтларнинг тафтини хўплаб-

Касби туфроғида палак ёйган гул.

Ушбу мисралар бир неча маънони ифодалайди. Бу мисраларнинг қиммати образида. Айни дамда устознинг бизга берган бир сабоқлари ёдимга тушди: "Фикрдан образ чиқмайди, образдан фикр туғилади..." Шунинг учун образли шеърлар ўқувчилар кўнглига яқин бўлади. "Сен" китобида кўнглига яқин образлар талай:

"Ойнадан сийрилган тарикдай болалар учади яхмалак"; "Кўёш рўймолини кўндириб қия, эриниб кўтарар мужгонларини"...

Баъзида бир шеър ичидаги бир неча бежирим ташбеҳлар, баъзан бу-

СЕН - ЯҚИН ВА ЙИРОҚ

тун шеърнинг бошдан оёғигача битта образни ифодалаганини учратамиз. Кимга қандай, бироқ менга ялтироқ тугмачаларнинг эмас, либоснинг янгилиги ёқади. Бошқачароқ айтганда, одамнинг қадри янги либос билан белгиланмайди...

Икром аканинг яқинимизда туриб, биздан узоқлашиб кетаётган одамлар ҳақидаги шеърлари образининг яхлитлиги билан эътиборни тортади.

"Сен" китобининг катта маърузаларидан бири — соғинч. Ўйлаб кўрсангиз, соғинч тушунчасида яқин ва йироқ мазмунлари ҳам бор. Бироқ "Ёнида юриб, анинг хижронида кўйдим" деганларидек, соғиниш учун яқин ёки йироқ масофа кифоя эмас.

Янги китобга киритилган "Сен" достонида ана шу муқаддас туйғу — соғинч туйғуси тасвирланган:

Маним канглума чизмиш тасвирини

Зулфизор соғинчлар, фариштам. Хуснингнинг ман каби зор-асирини битигида захрабо рақам

Мен севган сўз - мангу сукутга кетиб,

ёнингда жимгина уз-о-оқ тикилиш...
Достоннинг композицияси, ифода усули, тили ҳақида кўпгина янги фикрлар айтиш мумкин. Унда шамол, ёмғир, суку-



Taqriz

нат, ёлғизлик, армон суратлари чизилган. Сўзлар билан эмас, товушлар билан чизилган.

Шамол-л...

Ша-мо-ол...

Ша-мо-ол...л...л...

Сўзлар, товушлар, туйғулар шамолда йироқ-йироқларга учи-иб кетаётганга ўхшайди. Инсоннинг ҳаёти елга соғурилаётгандек. Ҳақиқатда ошиқлик қисмати шудир. Ҳамма нарса кечади. Бироқ шоирнинг товуши эшитилиб тураверади:

Олислардан келган олис йўл...

Олисларда қолган олис йўл...

Олисларга кетган олис йўл...

Достонда олис сўзи бир марта айтилиб, иккинчи марта такрорланишигача бўлган масофада йўл келаяпти. "Йўл" сўзини "олис" сўзлари икки ёндан қирмаб ўраб олаяпти. "Олис" сўзи такроридан келиб чиқадиган товушлар магиясидан йўл сўзи ифодаланаяпти.

Достон мазмунидаги асосий ғоя: "Буюк масофа - олислик" сўзларида уйғунлашган. Асар якунидаги "Олислардан келган олис йўл..." шеърида ана шу ғоянинг образи яратилган.

Эътибор берсангиз, чексиз такрорланган "Олис" сўзларининг орасида "Йўл", "Умид", "Хотира", "Ишқ", "Маҳзун", "Соғинч", "Сен" сўзлари бирин-кетин келади. Ҳар бир банд шу сўзларнинг бири билан якунланади. Бироқ "Олис" сўзи ўзгармай қолаверади. Мисраларни охирини юқоридан пастга қараб ўқисангиз: "йўл, умид, хотира, ишқ, маҳзун, соғинч, сен" сўзлари келиб чиқади.

Бу менга "Сен" китобининг мундарижасидек туюлди.

Рустам МУСУРМОН

Ko'ngil bitiklari

ОТЛОҚ
ПОНТНИНГ
ҚУЧОҚЛАРИДА...

Муаллим шеър ёзмоқда. Дунё ташвишлари, рўзгор юмушлари, зиммасидаги бошқа юклардан ортиб ижод қилаётир муаллимлар. Ҳайрат топаётир улар орасидан теран кўз билан. Баҳор билан дунё кўкараб, гуллар, мева тугар, ҳазонлар ортидан оппоқ қор кўксидан яна кўклик унар экан, бу жараён давом этаверади.

Дунё ҳайратлардан иборат. Уларни кўришга ҳамма вақт ҳам ҳамма ҳам... вақт топавермайди. Замира Темирова шундай лаҳзалар билан умрини безаётган муаллима. Ҳайрат лаҳзаларидан Сизга ҳам тақдим этмоқдамиз.

Олма отдим ариққа,
Сизга бориб етсин деб.
Кўнглимнинг изхорини,
Кўнглингизга айтсин деб.

Олма оқар ариқда,
Сув уни эркалайди.
Қизил чиройли олма,
Сиз томон етаклайди.

Оқаетган олмага,
Ҳеч ким назар солмасин.
Ёноғида холи бор,
Кўзи тегиб қолмасин.

Ёқиб жисму жонингиз
Гўзал хусну малохат,
Сирлигин сирини,
Сизга айтади фақат.

Сувда балқиб париваш,
Кўнглим изҳор этади.
Кўнглингизга ишқ солиб
Ўзи оқиб кетади.

Сувда қалқийди олма,
Ёнида икки юрак.
Сувдаги сирлиликни,
Ҳеч ким билмас керак.

Кўриб ишқим элчисин,
Бахтдан оғриди жоним.
Кўнглим салтанатига
Хуш келибсиз, султоним!

Оппоқ тонгнинг қучоқларида,
Орзулардан тугилган ўғлим.
Ширингина дудокларингда,
Муҳаббатим расмини кўрдим.

Юрагимда соҳир бир туйғу,
Ажиб ҳислар чулғар танамни.
Қайга кетди у — ширин қайғу,
Ҳадя этиб меҳрли дамни.

Гўзал тонгни кўрдим минг шукур,
Ингаларга тўлди қулоғим.
Энди билдим нечун одамзоғ
Онларни жондан севмоғин!

Замира ТЕМИРОВА,
Каттақўрғон туманидаги
61-мактабнинг она тили ва
адабиёт фани ўқитувчиси

СЕВГИНИ ЎЗИ ЖИМЛАДИР?

Anglash

Дарахтда қунишиб ўтирган икки қушни кўрганмисиз? Кўриб қандай хаёлга боргансиз? Кўш учаётган ниначини кўриб, қулиб қўйишингиз турган гап. Ёки дарахтни олайлик, атайин бирдан ортиқ экишадики, бир-бири билан чангланиб турсин деб. Табиатда мавжуд бўлган ҳар нарса ёлғиз эмас. Инсон ҳам шулар жумласидан. Она-табиат муҳаббат жомига сут қуйиб барча жонзотларни чорлаган экан, нега одамзот бормасин?

Ҳа, муҳаббат — муқаддас туйғу. Яратган томонидан инъом этилган нозик ҳиссиёт. Баъзилардан сўрасалар, "айтишга тил ожиз" деб чекинишади. Балки таърифлаш мумкиндир, лекин бу жуда узун муддат талаб этади. Қанча таърифламанг шунча оздир, яна ниманидир айтиб ўтмагандай туюлаверади. Машшоқ қанчалик нола қилмасин, шоир қанча кўп шеър ёзмасин, барибир бу мавзу уларга жуда кенглик қилади.

Юрагимда, аё дўстлар, ҳай-ҳай муҳаббат уйғонди,

Тилим ожиз сўйламоққа, қалбимда офат уйғонди.

Яқинроқ борай десам-да бул вужуд мадор йўқдир, Бевужуд қолган руҳимда хоҳиши суҳбат уйғонди.

Севгимни ошкор айлабман қолдим азим балоларга, Чимирилди-ку камон қоши, ё Худо, гурбат уйғонди.

Ҳаргиз кулмангиз устимдан қолди ошиқ бемаъшук деб, Ташлаб кетган ул санамга муҳаббат қат-қат уйғонди.

Севгимни рад этма Лайлим, мен Мажнунни адо қилма,

Яраштирамак учун бизни Мустафо Аҳмад уйғонди.

Очилган гул қайта сўлди, бенасиб қолди кўнги, Такаббур Бек, юлма юзинг санга бир ибрат уйғонди.


Кимдир "севилиш нақадир тотлидир" деса, қаери тотли дерсиз. Севгининг азоб бериши ҳам ўзгача бир лаззат. Севги инсоннинг сабрини ҳам синаб кўради. Севган кишининг табиати ҳам ўзгача боради. У умидсизлантормайди. Севги бу — фахр ёки гурур эмас. Севган одам кеккайиб юрмайди. Севги ҳасад эмас, худбинлик эмас. Ахир, севги фақат сенга берилмаган экан-ку? Севги бир-бирини тушуниш, бир-бирига талпиниш, бир-бирига ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш демақдир.

Севиш ва севилиш барчамизга насиб этсин.
Баҳодирхон ЭЛИБОЕВ

КИЧИК БУШНИНГ
КАТТА ҒАЛАБАСИ

Техас штати губернатори, республикачилар номзоди, АҚШнинг 41-президенти Жорж Бушнинг ўғли кичик Жорж Буш Америка тарихида ноёб учрайдиган президентлардан бири сифатида узок давом этган курашда галаба

қозонди. Гап шундаки, АҚШ тарихида илгари бир мартагина ота-болалар навбатма-навбат президентлик қилган эдилар: Ж.Адамс 1797-1801 йиллари, унинг ўғли К. Адамс 1825-1829 йиллари Оқ уйга соҳиблик қилишган эди.



Демократлардан номзоди кўрсатилган АҚШ вице-президенти Алберт Гор гарчи сайлов олди кампаниясида республикачилар ва уларнинг номзоди Жорж Бушни аёвсиз танқид қилган бўлса-да, ўз мағлубиятини тан олар экан, Буш шахсига юксак баҳо бериб, уни учрашувга таклиф этди.

Кичик Буш 1946 йили Коннектикут штатининг Нью-Хейвен

шаҳрида туғилган. Йель ва Гарвард университетларини тамомлаган.

Энди янги 43-президент инаугурация — президент қасамёдини 2001 йил январь ойида АҚШ Сенати (Капитолий) ёнидаги мармар тошлар тўшалган баланд супада амалга оширади ва президентлик ваколатини бажаришга киришади.

Инсонларнинг характери ва ёзуви ўртасидаги мавжуд алоқадорликни аниқлаш борасидаги тажрибалар XIX аср охиридан бери ўтказиб келинмоқда. Аммо графологияга бўлган муносабат ҳамон турличадир. Масалан, Николай Семашко "графология фан сифатида ўрганилишига тўла асос бор" дея эътироф этганди. Рус ёзувчиси Максим Горький ва Анри Барбюс ҳам шу фикрда эдилар. Ёзувнинг характер билан бевосита алоқадорлиги ҳақидаги бир улкан илмий иш ҳатто 40 мартаба (!) нашрдан чиққанди. Ханузгача графология фан сифатида тан олинмаган. Аммо "дастхатшунослик" билан жиддий шуғулланиб, ҳатто уни ўз касбида қўллайдиган кишилар дунёда бисёрдир. Бундай инсонлардан бири Россия милицияси полковниги Анатолий Комиссаровдир. У графология ҳақидаги барча китобларни йиғиб, уларни пухта ўрганиб чиққан. "Пухта" дейишимизнинг сабаби шуки, полковник ўзининг 20 йиллик касбий фаолияти давомида юборилган аноним мактублар, нотўғри кўрсатмалар, қаллобларнинг хатларини фош қилиб, бирон марта ҳам адашмаган. Қуйида ана шу киши ва унинг графология ҳақидаги айрим мулоҳазалари билан танишасиз.

лаштирганликлари, мавжуд тузумни ағдариб ташлашга ҳаракат қилганликларини "чин юракдан" бўйинларига олиб, отувга ҳукм қилинардилар.

ГРАФОЛОГИЯ
ЖИНОЯТНИ ФОШ
ЭТАДИ

— Ҳар бир кишининг ўз гапириш услуби бўлади, — дейди полковник Анатолий Комиссаров. — Биров бир гапда "ана", "анови", "шу" каби сўзларни ёки айрим сўкинчиларни ишлатади. Мен қамоқхона жаргонлари, ҳатто наркофурушлар луғатларини йиғиб бораман. Жуда фойдали материал. Кунлардан бир кун мен бу борада жуда қизиқарли экспертиза ўтказганман.

тик ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбланаётган кимсалар айнан бир гуруҳ эканликларини исботладим.

Россиянинг ўзида Анатолий Комиссаров каби фаолият кўрсатаётган кишилар беш нафардан ошмайди. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг зиммасига тарихий материалларни ўрганишдек иш ҳам кўп юклатилади. Қуйида шунга оид уларнинг айрим хулосаларини кўрсатиб ўтамиз:

Собик СССР маршали Ахромеевни ўлик ҳолда ёнида ёзган хати билан топишганда, у ўз жонига қасд қилган, дея кўрсатилади. Унинг яқинлари эса "у ўз хоҳиши билан фоний дунёни тарк этмаган", дея юқоридагиларни рад этишганди.

— Бизнинг мутахассисларимиз ушбу воқеага оид текширув ишларида қатнашишган ва улар қуйидагини аниқлашган: ҳақиқатан ҳам ўлими олдидан хатни айнан Ахромеев ёзган. Маяковский ва Есенинлар ҳам ўз хоҳишлари билан у дунёга равона бўлишганини биз аниқлаганмиз, — дейди Комиссаров.

"Тинч Дон" асарининг муаллифи ҳақидаги тортишувлар ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Бу ҳақда Комиссаров шундай дейди:

— Михаил Шолохов ушбу асарни тўлалигича ўзи ёзмагани — бу факт. Барча жиддий мутахассислар Михаил Александрович ўз асарини ёзишда ўндан ортик китобдан фойдаланганлигини эътироф этишмоқда. Аммо ёзувчини кўчирмақашликда айблаш нотўғридир, зеро, ўзлаштирилган жойлар романининг мингдан бирини ташкил этади. Қоралалар унинг ўз қўли билан ёзилганлиги дастхатшунослик экспертизаси томонидан аниқланган. Аммо муаллифшунослик экспертизасини ҳали ҳеч ким амалга оширмаган. **Труд** газетаси материаллари асосида **Жамшид САЪДИНОВ** тайёрлади.

БОЙЛИК
СОҒЛИҚДАН
АФЗАЛ...МИ?

Австралияда ўтказилган тадқиқот хулосаларига кўра, у ердаги аҳолининг 40 фоизи мана, икки йилдирки, тўлақонли таътилсиз, муттасил ишлар эканлар. Сўралганларнинг 42 фоизи эса фақатгина қисқа муддатга таътилга чиққанлар. Умуман олганда, кўпчилик (52 фоиз) австралияликлар таътил олиш даркорлигини таъкидлашпти. Аммо уларнинг аксарияти аввалламбор ўз иш жойини йўқотишдан қўрққанликлари сабабли буни қилмасликни раво кўришмоқда. Сўралганларнинг тахминан ярми агарда ишсизлик уфури эсиб келаётганини сезишса, бундан кейин ҳам роботларча эрта-ю кеч тер тўкиб меҳнат қилишларини айтишди. "Австралияликлар соғлом ҳаёт омилли бўлган таътилни қанчалик аҳамиятга эга эканлигини унутганлар", — деб ҳасрат қилади "Австралияни томоша қил" туристик компаниясининг раҳбари Грэм Перри.

Нигора ҲАКИМОВА тайёрлади.

ҲОЖЕА ХАЛҚЛАРНИ
БИРЛАШТИРАЯПТИ

Ўша машъум Чернобилъ воқеаси ҳаммамизга яхши таниш. Бу воқеанинг содир бўлганига 14 йил бўлди. Лекин унинг таъсири ҳали-ҳамон авлоддан-авлодга ўтиб, инсониятни ташвишга солмоқда.

Ушбу катта портлаш натижасида юзага келган нурланиш ва шунга ўхшаш турли хил бошқа касалликлар остида туғилган болаларни мактаб ёшига етгандан кейин уларни бундай касалликлардан ҳоли этиш мақсадида, яқин орада дастлабки, Германия ва Белоруссия давлатлари ҳамкорлигида "Надежда" ("Умид") номидаги соғломлаштириш мактаби очилади. Ўтган йили "Умид" номидаги белорусь маркази томонидан соғлом муҳитни юзага келтириш масалаларини ҳал этиш мақсадида бир қанча зиёлилар ҳамда педагоглар иштирокида катта илмий анжуман ўтказилган ва ушбу мактабни очиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Қарор юзасидан энг асосий ишлар жорий йилда бошланди. Қарорнинг ижроси эса 2005 йилда тўлиқ яқунланади.

Райҳон ХОЛМУРОВА тайёрлади

МУАЛЛИФШУНОСЛИК
КАНДАЙ ПАЙДО
БЎЛГАН?

Харьков шаҳри суд экспертизалари илмий-тадқиқот институтининг собиқ ходими Семён Вул бунга сабабчи бўлди. Воқеа бундай бўлган эди. Украина милиционерлари олдида колониядан унинг деворлари ташқарисига (яъни озодликка) юборилган ўта муҳим мактуб муаллифини аниқлашдек мураккаб масала турарди. Дастхат бўйича қидирувларнинг ҳеч нафи бўлмади. Чунки, одатда, маҳбуслар матнни ўзлари ёзмай, уни айтиб туриб бировга ёздиришарди. Шунда Вул ушбу хатни ёзувига қараб эмас, балки унинг стилистик жиҳати, маъноси бўйича ўрганиб чиқади. Сўнг уни юқори юридик маълумотга эга киши ёзган, деган тўхтамга келади. Ва матннинг асл муаллифи осонликча аниқланади. Бора-бора бу услуб дастхатшуносликдаги янги йўналиш — муаллифшуносликнинг ривожланишига асос бўлади.

А.КОМИССАРОВ
ФАОЛИЯТИ

— Агарда ёзув ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаса, мен жумлаларнинг тузилиши, абзацлар сони, қўлланилган сўзлардан унинг муаллифини топаман, — дейди полковник Комиссаров.

Юқорида кўрсатилган омиллар Комиссаров учун

“ДАСТХАТ СИРИ”

ЁХУД ЎША МАШЪУМ “ПАХТА ИШИ”НИНГ
СОХТАЛИГИНИ ОШКОР ЭТГАН МАЖБУРИЙ
«КЎРСАТМАЛАР» ХУСУСИДА

дактилоскопистга қўл изларидек муҳим манба. Шулар асосида полковник хат муаллифининг миллати, маълумоти ва касбини аниқлай олади. Анатолий Комиссаров кўмагига терговчилар илгари ҳам, ҳозирда ҳам мурожаат этишади.

— **Ўзбекларнинг пахта иши** ёдингиздами? Судда бу ишнинг барбод бўлиши сабаби шундаки, терговдаги шахсларнинг "чин юракдан" "айбдор"ликларини бўйнига олиб ёзилган гувоҳликлар, аниқланишича, шўро бош прокуратураси терговчилари томонидан айтиб ёздирилган эди, — деб ўз сўзини давом эттиради полковник. — Тергов қилинганларнинг кўпчилиги рус тилини яхши билшмас эди. Уларнинг қозғоғидаги "икрорнома"лари эса юридик терминларга жуда бой, мураккаб гаплардан иборат, расмий бир ҳужжатга ўхшарди. Афсус, бу нозик тафсилотлар 1936-39 йиллари ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ўша машъум даврда қанчадан-қанча буюк ёзувчию шoirлар, фан ва санъат арбоблари — ҳаммалари бирдек икки-уч чет мамлакатининг жосуси бўлганликлари, Сталинни йўқ қилишни режа-

Бунда мен жиноятчиларни ёзувига қараб эмас, балки гапириш услубига қараб аниқлаганман: ФКБ ходимлари наркокурьер (наркотик етказувчи — Ж.С.)лар билан қора дори харидорларининг телефон орқали сўзлашувларини кузатиб боришаётганди. Улар қўлга олингач, яна бир нарса аён бўлди: худди шу жиноятчилар банк ҳисобларини қалбакилаштириш ишларига алоқадор эканлар. Афсуски, терговчилар жиноятчиларнинг магнит тасмага ёзилган музокараларини ўчириб ташлашган эди ва уларда фақатгина юқоридаги гапларнинг расшифровка (ечилган маъно)си мавжуд қозғолар қолган эди. Оқловчилар айбланувчилар фойдасига терговчиларнинг шу энгилтаклигини ҳисобга олишди ва ишни жиноятчилар фойдасига ҳал қилишларига сал қолди. Шунда мен жиноятчилар билан терговчилар ўртасидаги сўров ишлари аудиоёзмасини ўрганиб чиқиб, уларни юқорида келтирилган ёзма гувоҳликлар билан солиштирдим. Ва нарко-

ЕР
ЮЗИДА

9 декабрь куни Чеченистоннинг Урус-Мартан туманидаги Олхон-Юрт қишлоғида 2 қарра портлаш юз берди. Портлатгич моддалар "Москвич" автомоби-

лига жойлаштирилган эди. Ушбу террористик ҳаракат оқибатида тинч аҳолидан 22 киши, жумладан 8 нафар бола нобуд бўлди.

Белградда Югославиянинг "Партизан" клуби баскетболчиси, таниқли спортчи Харис Бркич жонига суиқасд қилинди. Жиноятчи "Пионер" спорт саройига қарашли автомобиль тўхташ жойида баскетболчига бир неча мартаба тўппончадан

ўқ узган. Икки ўқ Хариснинг бошига теккан. У оғир ҳолатда касалхонага етказилди.

Американинг NASA самовий тадқиқотлар ташкилоти Халқаро космик станция орбитасини чиқиндилардан тозалаш учун лазер нурларидан ташкил топган ўзига хос "супурги" қўллашгани маълум қилди. Ушбу ускунанинг синов ишлари 2003 йилда амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Исроил бош вазири Ёхуд Барак яқинда куни ўз лавозимидан истеъфога чиқди. Янги бош вазир 6 февраль куни сайланиши мўлжалланган.

Россия президенти Владимир Путин Тюмень вилояти губернаторлиги лавозимига барча номзодлар учун тенг шартшароитлар яратилиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу ҳақда

ИТАР-ТАСС мухбири билан бўлган суҳбатда "Халқ депутати" депутатлик гуруҳи раиси Геннадий Райков маълум қилди.

Подмосковьеда "Газпром" очик акционерлик жамияти ҳомийлигида янги Остафьево аэропорти куриб битказилди. Ушбу аэропорт "Газпромавиа" авиакомпанияси базаси ҳисобланади.

Sarchashma

Кўп йил умр кўрган отахон ва онахонларимизнинг кечирган турмуш тарзи, ҳар бир сўзи, амали бугунги ҳаётимизда, айниқса, маънавий дунёмизга нечоғли ижобий таъсир этишини кўпчилик англаётмайди. Улардан ниманидир олиб қолиш ёш авлоднинг бурчидир. Ёш оилаларнинг ота-онадан йироқда ёки алоҳида бўлиб яшашлари бугунги кунда одатий ҳолга айланиб қолди. Бу билан келажакда туғилажак авлоднинг кўп нарсани билиши ва ҳаётдан кўп нарсани ўрганиши чекланиб қолмаяптимики, деган хаёлга боради киши. Ахир "қари билганни пари билмас" деган нақл бежиз айтил-

ларга ўзларининг ҳаётларидаги воқеа-ҳодисаларни кўшиб куйлашибди.

**Мен отамнинг уйида хон эдим,
Катта сандиқ устида ўйнар**

эдим.

**Катта сандиқ устидан тойдим,
тушдим,**

**Қадрим билмас жойларга
қайдан тушдим,**

деб ота-онасининг бағридаги юрган хуш чоғларини қўмсаб фиғон чекса, ота-онасидан эрта айрилиб, акаларининг қўл остида улғайгани, сўнг узоқларга келин бўлиб кетганини:

**Қора қумғон қўйдилар,
Қайнамасин дедилар.**

—Мол, кўй гўшtidан тайёрландиган қуюқ таом. Қиймалагичдан ўтказилган гўшни сув ёки сутда бўктирилган нон, бир оз қовуриб олинган пиёз, мурч ва саримсоқ билан аралаштирилиб, яна гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Қийма яхшилаб аралаштирилгач, 25-30 граммми доиралар ясалади. Доиралар оқ унга буланади ва ёғ солинган товада пушти ранг қобиқ ҳосил бўлгунча қовурилади.

Қовурилган тефтелилар юзароқ қозонга териб чиқилади ва майдаланган саримсоқ, тоmat соуси

Oshxona

кўшиб, 10-15 минут давомида димлаб пиширилади. Дастурхонга гречиха ёки пиширилган гуруч бўтқаси ёки қайнатиб эзилган картошка гарнирлари билан тортилади.

Соуси учун тоmat пюрега 0,5 ош қошиқ ёғ ва 1 чой қошиқ ун қўшилади.

Устидан 1 стакан шўрва ёки сув куйиб 3—5 минут давомида қайнатилади, таъбга кўра туз солинади.

ТЕФТЕЛИ

ШАФТОЛИНИНГ ШОХИДА
ШАМОЛЛАГАН ҚАЙНОНАМ

маганку.

Халқ оғзаки ижодида аёл образи, аёллар тилидан айtilадиган қўшиқ ва лапарлар бугун барчанинги кўнги қатидан жой олган. Халқ қўшиқларини хиргойи қилган аёллар бу қўшиқларда ўз дарди ва аламини, орзу-умидларини кўра олади.

Халқ оғзаки ижоди асрлар оша яшаб келишининг ўзига хос хусусияти ва тарихи ҳақида менга бир онахон шундай ҳикоя қилиб берди.

Қадим замонларда бир қизнинг акалари уни бадавлат кишига сотиб юборишибди. Қиз шўрлик тақдирга тан бериб, бой хонадонидан чўридек яшабди. Тўрт девор ичида ҳаёт кечирган бечора қиз ўз ҳаёти, кўрган қийинчиликлари, юрти соғинчини шеър ва қўшиқ қилиб айтаверар экан. Бу мунгли овозни эшитган кўни-қўшни қўшиқ сўзларини ёдлаб олаверибди ва улар ҳам бу нолали қўшиқ-

**Қари чолга бердилар,
Ййрамасин дедилар,**
дея, қариндош-уруғларидан гина қилади. Бойвучча қайнонаси менсимай силтаганда, таъна-дашномлар билан қаттиқ гапирганда:

**Шафтолининг шохида
Шамоллаган қайнонам.**

**Кўни-қўшница чиқиб
Ёмонлаган қайнонам,**

дея, кашта, дўппи тиккан, гуллар, ўсма эккан. Ғам-қайғудан эзилган қизларнинг сирдоши табиат бўлган.

**Ўсма экдим, уялиб,
Барги чиқди буралиб,
Қўл теккизманг, шохласин,
Озор берманг, баргласин.**

Бу каби айтим ва лапарлар ҳар бир қишлоқда, ҳар бир вилоятда турлича жаранглайди.

Она алласи, ёр-ёр, миллий халқ ўйинларида айtilадиган қўшиқлар халқ оғзаки ижодини тўлдириб ва бойитиб бораверади.

Дилдор ТҲЙЧИЕВА,
ЎзМУ талабаси

ОЛМАГУЛЛИ
РҲМОЛ

Бу ажиб олма гули тасвири туширилган рўмол, эҳтимолки, бир вақтлар кимнингдир ғаму андуҳлар, орзу-ниятларга тўла тунини нинанинги майда қадамларига термулиб ўтказган дамлари маҳсулидир. Эй, менинги азалий сирдошим, тунги ҳамроҳим, қалбимда пинҳон ҳис-туйғуларимнинг ошкор этувчиси. Баъзан кун бўйи кўнглим зада бўлади-да, тезроқ тун бағри-

Тууг'у

га ошиқаман. Тунга бор гапларимни сўзлаб бераман. Кунни мудом кўришни орзу қилган ой фақат орзусидаги ёруғ кунлар ҳақида сўзлайди ва кўнглим губорини тарқатиб юборади-да, қалбимнинг туб-тубидаги, ҳатто ўзим учун ҳам сирли ҳис-туйғуларимни тўзғитади. Кўпинча, сўзлашиб ўтириб, бу сеҳргар сирдошим менинги ёдимга кимнидир солиб кўяди.

Наргиза ТҲХЛИЕВА,
республика нафис санъат
лицейи ўқувчиси

Мутахассислар аёлларнинг яшашдан мамнунликларини билиш учун уларнинг ташқи қиёфаларига назар ташлаш кифоя, деб ҳисоблашар экан. Бу фикр қанчалик тўғри эканлигини билмадигу, ҳар қалай мутахассислар аёл кишининг ташқи гўзаллиги унга яхши кайфият беришини тажрибалари давомида аниқлаганлар.

Эрта тонгда уйдан пардоз-андозни ўрнига қўйиб, кўзуга мамнун боқиб ишга отланган аёлнинг иш унуми ва кайфияти аъло даражада бўларкан. "Албатта, кексалик чегарасида ёшлик ҳақида орзу қилиш бачкана туюлади, аммо ёш ва чиройли кўринишни орзу қилмаслик ҳам бемаъниликнинг ўзгинаси", деганди ўтмишнинг доно аёлларидан бири.

Шу сўзларни ёзяману, хаёлимда бир воқеа чарх

урмоқда.

Бувим чиройли, қош-кўзлари қоп-қора, сочлари узун аёл эдилар. Ҳовлидаги кафтдеккина жойга ҳар баҳор ўсма, хина, райҳон экилар эди. Бувимни ҳар тонг қошларига ўсма қўйилган ҳолда,

ҲУСН ҲАМ
ПАРВАРИШГА МУҲТОЖ

янаям чиройли бўлиб ўтирган пайтларида кўрардим. "Ке, сенга ҳам ўсма қўйиб қўрман, қиз бола ўзига қараб, пардоз-андоз қилиб юриши керак. Қошингдан ўсмани узма. Катта бўлганинда чиройли, попуқдеккина қиз бўласан", дердилар. Мен эса баъзан мактабга кеч қолишни баҳона қилиб, баъзан яна қандайдир сабаб кўрсатиб, ўсма қўймай қочиб қолардим.

Аммаларим кетма-кет турмушга чиқиб кетишди. Улар ҳар сафар ўз уйларида келишганда, бувимнинг биринчи маслаҳати шундай бўларди: Ҳар куни эрта туриб, аввал бир кичик пиёлага булбулнинг ёшидек икки томчи

ўсма сиқиб, қошинга суркаб ол. Ҳамма жойни тозалаб, орасталаб бўлгунингча, қошинг ҳам сув ичиб туради. Доимо покизалик ва тозаллик катта эътибор бер. Қайнота-қайнонанга, оилангдагиларнинг ҳеч қайсинисига пардозсиз кўринма, дердилар. Мен эса "буви ўзи аммаларим чиройли бўлса, яна нимага пардоз қилиши керак",

Pardoz

деб сўраб қолардим. Шунда бувимдан "ўсиб турган гулга эътибор бермасанг, уни парвариш қилмасанг, гул қуриб қолади. Хусн ҳам гулдек гап. У ҳам парваришга, ғамхўрликка муҳтож бўлади", деган жавобни олардим.

Нуроний, олтмиш ёшдан ўтган бувижоним бугун биз невараларига ҳам ҳамма нарсани эринмай ўргатадилар, тинмай бир гапни такрорлашдан чарчамайдилар. «Болаларим, хусн ҳам атиргулдек бир гап, унга эътибор бериш, озиклантириб туриш керак. Ораста одам ҳамма жойда хурмат ва иззатга лойиқ бўлади. Барчага севимли бўлади. Шу гапларимни унутманглар».

Ш.МАДРАҲИМОВА



**10 УЧРАШУВДА
10 ГОЛ**

Ха, шундай бўлди, “Милан” ҳужумчиси Андрей Шевченко ўз мухлисларига ўнинчи учрашувда 10-голини тақдим этиб ушбу чемпионат тўпурарларига асосий даъвогар саналаётган аргентиналик Габриэл Баттисту-тага етиб олди. Утган мавсумда 10 турдан сўнг 7 та тўп киритиб шон-шухрат қуршовида қолган эди. Бу йил ишқибозлар унга кўникиб қолди.

**ЖАЪФАР—
“СПАРТАК”ДА**

Ўзбекистон чемпиони— “Дўстлик” клуби ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов Россиянинг 6 карра чемпиони “Спартак”ка таклиф этилди. Синовлар муваффақиятли ўтса, ҳамюртимиз Европа чемпионларининг ҳужум қизигида тўп суради.



ЖАҲОНГА ЙЎЛ

бу гал Чирчикдан бошланади. 16-23 декабрь кунлари Чирчикдаги “Кимёгар” спорт саройида бокс бўйича бўлиб ўтадиган Республика чемпионати Ирландияда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма беради. Демак, мусобақа кескин курашларга бой бўлади.

ЯНГИ ТАРКИБ

Куни кеча миллий терма жамоамиз янги раҳбарият таркиби билан иш бошлади: Бош мураббий—Владимир Сальков, ёрдамчи мураббийлар—Александр Мягков, Леонид Остроушко, маъмурлар—Самвел Бабаян, Шокарим Шоқодиров.

**«ИШ БОР
ЖОЙДА
КАМЧИЛИК
БОР»**

дейди Наманган вилояти “Ёшлик” кўнгилли спорт жамияти бош мутахассиси Равшан Муроджоев. Бу мусобақалардан кузланган мақсад мактаб ўқувчиларининг соғлом, бақувват, энцил бўлишини таъминлаш, келажагимиз эгалари бўлган болаларга кийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтишлари учун кўникмалар беришдан иборат деб ўйлайман, деб сўзини давом эттирди суҳбатдошим.

Биз “Маърифат” газетасида чоп этилган мусобақа Низоми ва йўл-йўриқлари билан танишиб чиқиб, мутассадди ва ҳомий ташкилотларнинг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, қўшма қарор қабул қилдик. Мактаблардаги шароитлар, камчиликлар билан танидик. Бизни қувонтирган нарса, мусобақада спортнинг энг оммавий бўлган 7 тури бўйича болаларнинг баҳслашишлари-дир. Сабаби, шу кўнрача бирорта мактаб директори ёки жисмоний тарбия ўқитувчисида мусобақа ўтказиш учун шарт-шароитнинг мавжуд эмаслиги, маблагнинг етишмаслиги ҳақидаги норозилик кайфияти, турли баҳоналарни рўқач қилиш ҳоллари бўлмади. Барча мактабларда ишлар бошланиб кетди. Вилоят биринчилигини ўтказиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни ҳам ишлаб чиқдик. Вилоят биринчилигини ўтказиш учун жами 13801361 сўм миқдорда маблағ керак бўлар экан. Албатта иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Мусобақаларни ўтказиш жараёнида бу камчиликларни ҳам тузатамиз.

“Олимпиада умидлари – 2001” мусобақаларини ўтказиш учун қилинган ва қилиниши зарур бўлган ҳужжатларни бир-бир кўздан кечириб, барча ишлар яхши йўлга қўйилган экан, туманларга берилган топшириқлар ҳам асосли ҳамда ўринли, деган хулосага келдим. Фақатгина бу

Иш ҳажми қанча катта тезроқ киришиш лозим, дей-дай. Яқиндагина бир қанча бирлашмалар, жамғармалар билан ҳамкорликда бошланган мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур” шиори остида «Олимпиада умидлари—2001» спорт мусобақаларига республикамизнинг барча вилоятларида старт берилди.

Ушбу мусобақаларнинг жойларда қандай ташкил этилганлигини ўрганиш мақсадида Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида бўлиб қайтган мухбиримизнинг таассуротлари куйидагича.

Ikki manzara

бўлса, уни бошлашга шунча ишади. Ҳақиқатдан ҳам шун-катта-катта ташкилотлар,

қоғозлардаги ишлар мактабларда қандай кетаётганлигини, ўқувчилар ушбу мусобақа моҳиятини тўлиқ англаб етганми, йўқми, ҳар бир ўқувчи спортнинг бирор туридан ўз синфи обрўини ҳимоя қиляптими, деган саволларга жавоб топиш учун Чортоқ туманидаги 9-мактабга йўл олдик.

Мактаб директори Жўраҳон Курбонов мақсадимизни англагач, бизни тўғри мактаб йўлагига бошлаб чиқди. У ерда барча спорт турларидан мактабда бўлиб ўтадиган мусобақалар жадвали, ўтказилган мусобақалар натижалари эълонлар тахтасига осиб қўйилган экан.

Биз ушбу мусобақалар ҳақида эшитганимизда жуда хурсанд бўлдик. Сабаби, ҳар йили мактаблар ўртасида спартакиада мусобақалари ўтказилар эди. Лекин унда фақатгина мактаб жамоаси ёки кўзга кўринган беш-олти спортчи-гина қатнашарди. Бу мусобақаларнинг бизга маъқул бўлган томони шундаки, унда ҳар бир мактаб ўқувчиси иштирок этиши таъкидланган. “Маърифат” газетасида мусобақа Низоми эълон қилингандан сўнг, туман халқ таълими бўлимидан топшириқ келишини кутиб ўтирмай 4 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси билан биргаликда мактабда қилиниши лозим бўлган ишлар режасини тузиб чиқдик. Мактабда 1056 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг соғлиги, чиниққанлиги таълим сифатининг ўсишига ёрдам беради. Яна бир қувончли хабарни айтмоқчи эдим. Туманда истиқомат қилувчи бир саховатпеша инсон кам таъминланган оила фарзандларининг 30 нафарига 67 минг сўмлик спорт кийимлари олиб берди. Шу кўнрача илик ва ёгин-сочинсиз об-ҳаводан фойдаланиб футбол, волейбол, баскетбол каби спорт турлари синфлараро ўтказиб бўлдик. Шахмат, стол тенниси мусобақаларини 10 январгача яқунлаймиз.

Спорт — тинчлик ва дўстлик элчиси, дейишади. Фарзандларимиз спорт билан дўстлашса, кайсидир спорт тури билан мунтазам шугулланса, биз шунчалик кўп хурсанд бўлаемиз. Ниятимиз еттита тур орасидан бирортаси бўйича республика биринчилигини қўлга киритиш. Мактабнинг 7“А”, ҳамда 9“Г” синф ўқувчилари билан суҳбатладик. Улар мактаб миқёсида, ҳар куни спортнинг у ёки бу тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтаётганлигини таъкидлашди. Барча спорт турлари бўйича синфларидаги қизлар ва ўғил болалар жамоаларини айтиб беришди.

Бу мактабда “Олимпиада умидлари — 2001” мусобақаларининг яқунлиги қолганлиги бизни қувонтирди.

Вилоятнинг Косонсой туманидаги 6-мактабда ҳам ишлар кўнгилдагидек. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Исоқжон Ҳасанов мактабда 2 та спорт зали мавжудлигини, 948 нафар ўқувчи таълим оладиган бу даргоҳда бугунги кунда мусобақаларнинг футбол, волейбол турлари бўйича финал мусобақалари бошланганлигини айтиб ўтди. Мактабда ҳар бир ўтказилган мусобақа натижалари, мактаб ҳамшираси кўригидан ўтган мусобақада қатнашувчи ўқувчилар исми-фамилияси, синфлараро тулганган оқолар махсус филларга тикиб қўйилмоқда.

Наманган вилояти телевидениеси ушбу мусобақаларни вилоят миқёсида кўнгилли ўтказиш учун реклама бериб бормоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари бу ишга бош-қош. Энг муҳими, улар соғлом, ҳар томонлама етуқ, Ўзбекистон обрўсини дунёга дoston қила олишга қодир ўғил-қизларни тарбиялаш, истеъдодли спортчиларни кашф этиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар, ҳаракат қилмоқдалар.

**«ҲАЛИ ВАҚТ
БОР, ҲАММА
ИШЛАРГА
УЛГУРАМИЗ»**

деди Фарғона вилояти “Ёшлик” кўнгилли спорт жамияти раис ўринбосари Маъруф Собиров, ҳам-да вилоят халқ таълими бошқарма-сидаги жисмоний тарбия ҳамда спортга дахлдор инсонлар.

Ҳужжатлар жилдидна фақатгина “Маърифат” газетасининг мусобақа Низоми эълон қилинган сони ҳамда Халқ таълими вазирилик билан ҳомий ташкилотлар ўртасида тузилган қўшма қарор нусхаси турибди. Ташкилотларнинг вилоят бўлим-лари билан ҳамкорлик натижалари кўрсатилган ҳужжатлар йўқ. Нега ушбу ташкилотлар билан қўшма қарор, келишув тузилмади, деб берган саволимга, улар билан ишла-япмиз, масалан, “Қамолот” жам-фармаси туман бўлимлари вилоят биринчилигида иштирок этадиган жамоаларнинг мусобақа ўтказиш жойига бориб келишини ўз бўйин-га олди, бошқа ташкилотлар ҳам ёрдам беради, дейишди. Мактаблар-даги ишлар билан қизиқиб, баъзи туманларга бордик. Уларда ҳам иш-лар кўнгилдагидек эмас. Яна ҳам ачинарлиси, мусобақаларнинг ўтка-зилмаганлиги сабабини оддий бас-

кетбол тўпининг йўқлиги билан изохлашди. Ахир, қоптоқ олинган-ча спортнинг шахмат ёки стол тенниси бўйича мусобақаларини ўтказиб туриш мумкин-ку?

Нега ҳалигача мактабларда мусобақалар бошланмади, деб берган саволимга Маъруф Собиров, “ҳали вақт бор, ахир мусобақа Низомида январгача дейилганку. Биз барча мактаблар-да албатта еттита спорт тури бўйича мусобақаларни ўтказамиз”, деб жавоб берди.

Республика миқёсида катта орзу-ниятлар билан ўтказилаётган, Ёшлар телеканали орқали барча вилоятларнинг чекка-чекка жойларига хабари етиб борган бу мусобақаларни ташкил қилиш, болаларни спортга ошно этиш вилоятдаги мутасаддиларнинг нахотки, ўй-хаёлларига келмаётган бўлса. Асрнинг сўнги олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари фақатгина битта олтин медал билан қайтганлиги бизни йиғлатган бўлса, япон футболчилари ўзбек футболчилари дарвозасига 8 та жавобсиз тўп йўлаганини кўриб ўкинган бўлсак, эътиборсизлик, ҳафсаласизлик оқибатида яна шу ҳолга тушмаймизми? Ахир, мусобақанинг асосий мақсадларидан бири ҳам келажакда бўлиб ўтадиган жаҳон биринчилиги, олимпиада ўйинларида Ўзбекистонга шараф, шон олиб келадиган ўғил-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтира олиш эмасми?

Бу мусобақаларда ўзбек фарзандларининг кучли, соғлом бўлиши, эртанги кун пойдеворининг мустаҳкам эканлигига ишонч муҳим. Бу мусобақага панжа орасидан қараш келажакка каттагина йўқотиш билан кириб бориш эмасми?

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,
“Маърифат”нинг махсус мухбири**

QUTLOV

**Азиз устозимиз
Тангир ака НАВРЎЗОВ!**

Сизни қутлуг 60 ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Ёш авлодга билим ва савоб улашишдан ҳеч қачон толманг. Оилангиз, фарзандларингиз, невараларингиз ва бизнинг бахтимизга доимо омон бўлинг. Оллоҳ умрингизни зиёда қилсин!

**Ҳамкасбларингиз
Жиззах вилояти Зарбдор тумани кар ва соқов болалар махсус мактаб-интернати жамоаси**



**Ҳурматли ўқитувчимиз
ва қизимиз
ГУЛБОЕВА Гулчехра!**

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриқлаймиз. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 15-ўрта мактабнинг моҳир ўқитувчиси сифатида ҳаммининг меҳрини қозонгансиз. Келгуси ҳаётингиз ва ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.



МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

“Қувноқ стартлар” телемусобақалари ўттиз йилдан буён ёшу қари томошабинлар эътиборини жалб этиб келаётир. Куни кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар спорт маркази залида XVIII республика “Қувноқ стартлар” телемусобақаси биринчи давра саралаш учрашуви бўлиб ўтди.

Мусобақа қатнашчилари — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 14-ўрта мактабнинг “Яккатут” ва Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 12-ўрта мактабнинг “Заркент” жамоаси аъзолари ўйиннинг бошидан охиригача ўз қобилиятлари ва маҳоратларини кўрсатишди.

Беллашувнинг илк дастуридан (“Чаққон болалар”) бошлаб “Яккатут” жамоаси аъзолари чаққонлик ва аниқ ҳаракат қилишда устуликларини намойиш қилишди ва уч очкони қўлга киритишди. Тошлоқлик ўқувчилар эса 1 очко олишди.

Дастур-беллашувда ҳам тўпларни қўлга олишда избос-нинг иккинчи (“Олти тўп”) саватга таш-канликлар аниқ ва дадил ҳаракат қилишиб, иккинчи ғалабага эришишди.

Икки нафардан ўғил бола иштирокидаги дастурнинг учинчи учрашуви (“Акробатчи йигитлар”) конкурс мусобақасида тошлоқлик ўқувчилар “рақиб”ларидан олдин маррага келишди. “Заркент” командаси аъзолари учрашувнинг сўнги дастурларида (“Халқали ғов”, “Урдақлар ва овчилар”) кетма-кет ғалабага эришишди. Икки марта конкурсда қўллари банд келди, яна битта конкурсда дуранг натижага эришишди. “Яккатут” командаси бешта учрашувда голиб чиқди, иккита мағлубият ва икки ўқувчи иштирокидаги танловда дуранг натижада тўпланган 19 очко билан мусобақада голиб бўлишди.

“Заркент” командаси аъзолари эса 15 очко тўплашди. Избоскан тумани ўқувчилари ушбу ғалаба билан “Қувноқ стартлар” телемусобақаси иккинчи давра мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Учрашув яқунлангач, ҳар икки командага Халқ таълими вазирилик ва Ўзбекистон “Ёшлик” кўнгилли спорт жамияти дипломлари топширилди.

Ҳ.МАННОПОВ

**ЯНГИ
УМИД**

Ўзбекистонда ёш, умидли теннисчилар етишмоқда. Кўплаб нуфузли мусобақаларда Фаррух Дўстовнинг номи кўп бор тилга олинмоқда. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Ўн тўрт ёшли Фаррух биргина шу йилнинг ўзида ўсмирлар ўртасида ўтган Республика биринчилиги, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси, “Динамо” теннис клуби, БМТ ваколатхонаси совринлари учун ташкил-лаштирилган қатор турнирларда бош соврин соҳиби бўлди.

Самарқанд шаҳридаги 1-педагогика билим юрти жамоаси ва қасаба уюшмаси қўмитаси шу педагогика билим юрти директори Дўпол Носировага турмуш ўртоғи **Наби ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан чукўр ҳамдардлик изҳор этади.

